

Жиззах политехника институти

Олий ўқув юрти

“Қурилиш” факультети “Мухандислик коммуникациялари ва атроф мухит муҳофазаси” кафедраси “Мухандислик коммуникация қурилиши” таълим йўналиши

ТАСДИҚЛАЙМАН

Мухандислик коммуникациялари ва атроф мухит муҳофазаси кафедраси муdiri

_____ ХОЛБОЕВ У.

«26» декабр 2012 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА
ТОПШИРИҚ**

Талаба: _____ Усмонов Шухрат
(фамилияси, исми шарифи)

1. Битирув малакаий ишининг мавзуси: ***Жиззах шаҳри “Хайрабод” ва “Тинчлик” маҳалласининг ўрта ва паст босимли газ билан таъминлаш тизимларини лойихалаш.***

«22» декабр 2011 йил кафедра мажлиси маъқуллаган.

2. Битирув малакаий ишини топшириш муддати **2 июл 2012** йил

3. Битирув малакаий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар ***Жиззах шаҳри “Хайрабод” ва “Тинчлик” маҳалласи бош режаси ҳамда газ таъминоти схемаси режаси***

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби(ишлаб чиқиладиган масалалар руйхати)

1) Топшириқ

2) Мундарижа

3) Кириш

4) Технологик қисм

5) Мехнат ва атроф мухит муҳофазаси

6) Хўлоса

7) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

5. Чизма ишлар руйхати чизмалар номи аниқ кўрсатилади

1) Шаҳарчанинг бош режаси

2) Газ таъминоти кувурлари ҳисоб схемаси режаси

3) Сўткалик ва ойлик газ истеъмоли схемаси

4) Газ таксимлаш стансияси

бет


1

5) Қирқимлар

6. Битирув малакаий иши бўйича маслаҳат(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзоси, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Топшириқ олиш, маълумотлар базасини шакллантириш			
2.	Кириш қисми.			
3.	Технологик қисм, ҳисоб ва чизма қисм			
4.	Атроф муҳит муҳофазаси ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			
5.	Хулоса			

7. Битирув малакаий ишининг бажариш режаси

№		Бажарилиш муддати(сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	Топшириқ олиш, маълумотлар базасини шакллантириш		
2.	Кириш қисми.		
3.	Технологик қисм, ҳисоб ва чизма қисм		
4.	Атроф муҳит муҳофазаси ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги		
5.			

Битирув малакаий иши раҳбари:
(фамилияси, исми шарифи)

доц. У.Холбоев
(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим

Усмонов Шухрат

(фамилияси, исми шарифи)
(имзо)

бет

2

Топширик берилган сана «06» январ 2012 йил

	<i>бет</i>
	3

К И Р И Ш

Ёнувчи газлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадимий ёдгорликлар ва тарихий қўлёзмаларда учрайди. Қадимий юнон тарихчиси Херодот эрамиздан бир ярим минг йил илгари Кичик Осиё худудида жойлашган Ҳимар тоғларида «ўчмас оловлар» бўлганлиги тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирган. Ҳозирги Озарбайжон, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон давлатлари худудларида қадимдан ёнувчи газларнинг манбалари бўлганлиги этироф этилган ва кенг худудларда алангаларнинг пайдо бўлганлиги, бу халқларини олрвга сиғинишига олиб келган.

Ҳозиргача ҳам Апшерон ярим оролидаги Сураханада, Ҳиндистон республикаси Панжоб вилоятида «оловга сиғиниш» ибодатхоналари сақданиб қолган.

Ёнувчи газларнинг амалда кенг миқёсда ишлатилиши XVIII аср охири, XIX аср бошларига тўғри келади. Айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмида немис химиги Роберт Бунзен (1811 — 1899 й.) томонидан (1850 йил) газ горелкасининг ихтиро қилинганлиги, газдан фойдаланиш миқдорининг тезлик билан кўпайишига олиб келди. Дастлабки пайтларда ёнувчи газдан йирик шаҳарларда кўчаларни ёритиш учун фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда газ ёқилғиси аҳолининг кундалик турмушида, коммунал-маиший корхоналар ва саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлатилмоқда.

Газ ёқилғисини ҳеч бир муболағасиз ноёб ёқилғи деб айтиш ҳам мумкин. Сабаб бошқа турдаги ёқилғиларга нисбатан газ бир қанча қулайликларга эга; уни истеъмолчиларга узоқ масофаларга ҳам етказиб бериш осон, газ ёқилғиси ёрдамида ишлайдиган ускуналарни ишга тушириш қулай. Газ горелкалари конструктив тузилишига қараб, турли хил талабларга жавоб беради, ёнув жараёнини автоматлаштириш мумкин ва ҳ. к.

Бизга маълумки, мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги (МДХ) давлатлар жаҳон мамлакатлари орасида газ қазиб олиш бўйича биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. 1950 йилда умумий ёқилғи тенглигининг 2,3 фоизи газ ёқилғисига тўғри келган бўлса, 1983 йилда 2,7, 1990 йилда эса қарийиб 33 фоизни ташкил этган. Илмий изланишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадигани дунё энергияси таъминоти яқин келажакдаги 30—50 йил ичида асосан органик ёқилғилар (табiiй газ, тошкўмир ва нефть маҳсулотлари) ҳисобидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида табиий газни қазиб чиқариш ва ундан фойдаланиш ўтган асрнинг 50-йилларнинг охири 60-йиллардан бошланди.

60-йиллар бошида собиқ Иттифоқнинг қарийиб 40 фоиз табиий газ ёқилғиси Ўзбекистон ҳудудидан олинган. Ўша йилларда Ўзбекистон Республикаси шаҳар, қишлоқларини табиий газ билан таъминлаш режаси тўлиғича амалга олмади. Республика ҳудудидан қазиб олинган газ асосан Россиянинг марказий sanoat районларини (Ўрал sanoat районини, Екатеринбург, Челябинск, Магнитагорск ва бошқа шаҳарларни) газ билан таъминлаш учун етказиб берилди. Бу эса Россиянинг минг-минглаб гектар ўрмонларини ёнилғи сифатида кесилишдан сақлади ва экологик аҳволни яхшилаш имконини берди. Сифатли газ ёқилғиси ҳисобидан ҳарбий sanoat комплексларининг ишлаб чиқариш қувватини тезкорлик билан ошишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фойдаланиш учун қолдирилган табиий газнинг асосий қисми эса, sanoat корхоналарини таъминлаш учун ишлатилди. Газ захираларидан марказнинг ҳукмронлиги асосида фойдаланиш оқибатда Республика аҳолисини газ билан таъминланишида сотсиал муаммолар келтириб чиқарди. Бу муаммоларни тўғри ва тезкорлик билан ҳал қилиш учун 1990 йилга келиб Республика ҳукумати томонидан аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг мукамал лойиҳаси ишлаб чиқилди ва собитқадамлик билан амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фойдаланиш учун қолдирилган табиий газнинг асосий қисми эса, sanoat корхоналарини таъминлаш учун ишлатилди. Газ захираларидан марказнинг ҳукмронлиги асосида фойдаланиш оқибатда Республика аҳолисини газ билан таъминланишида сотсиал муаммолар келтириб чиқарди. Бу муаммоларни тўғри ва тезкорлик билан ҳал қилиш учун 1990 йилга келиб Республика ҳукумати томонидан аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг мукамал лойиҳаси ишлаб чиқилди ва собитқадамлик билан амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фойдаланиш учун қолдирилган табиий газнинг асосий қисми эса, sanoat корхоналарини таъминлаш учун ишлатилди. Газ захираларидан марказнинг ҳукмронлиги асосида фойдаланиш оқибатда Республика аҳолисини газ билан таъминланишида сотсиал муаммолар келтириб чиқарди. Бу муаммоларни тўғри ва тезкорлик билан ҳал қилиш учун 1990 йилга келиб Республика ҳукумати томонидан аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг мукамал лойиҳаси ишлаб чиқилди ва собитқадамлик билан амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фойдаланиш учун қолдирилган табиий газнинг асосий қисми эса, sanoat корхоналарини таъминлаш учун ишлатилди.

0.0.000000000000 14 00000 1999 000 00000000
0000000 00000000000 0000000000000 0000
000000000000 00 00000000 0000000000000
000000000000 0000000000 000000000000 “00I 000
00000000 00 000000 00000000000 0000000000
000000000000000000000 000000000000 000000000000,
000000000000000 0000000000000000 00 000000000
00000000 000000000000 00000000 0000000000000000
000 0000 - 00000000 0000000000000. 000
00000000000 00000000 00000000 000000000000, 00000000
0000000000 00000 0000000000 000000000000, 0000 0000
00000000, 000000000 000000000000 00 0000 000000000000
0000000 0000000000000000.

00000 0000000 10 0000000000000 0000000 0000000000
“000000000 00000000000 00000000 00000000 0000000000
00000000 00000000 00000000 00000000 00000, 0000 0000
0000000000000, 000000000000 0000000000000000000000 -
000000000, 00000000000, 00000000000000 00000000, 0000000
000000000000 0000000000 0000000 00000000000000000000
0000000 00000000 0000000”.

000000000000000000000 00000000000 00 0000
000000000000 000000000000 00000000 00 0000000000
00000000 00000000000000000000 00000000 000000 000000
00000000 000000 0000000000000000000000 00000000
00000000000 0000000000000000 0000 0000000 00000000000
00000000. 000000000000000000000 00000000 0000 0000000
000000000000 000000000000 0000 00 0000000 0000000
00000000000 0000000000000000 00000000 00000000000
000000000000 000000 00000000 0000000000000000000000.

Аҳоли яшайдиган худудларда қуриладиган ҳамда табиий газ (газ ва нефть конларидан ниқадиган газ) ва ортиқча босими кўпи билан 1,2 МПа (12 кгс/см²) бўлган газ-ҳаво аралашмалари билан, ортиқча босими 1,6 МПа гача (16 кгс/см²) бўлган суюқлантирилган углеводород газлари (бундан буён СУГ дейилади) билан таъминлаш, шу жумладан бу газлардан ёқилғи сифатида фойдаланадиган истеъмолчиларни ҳам таъминлашга мўлжалланган янги,

кенгайтириладиган ва қайта таъмирланадиган газ таъминоти тизимлари лойиҳаланади.

Кишлоқлараро газ қувурлари ва газдан ёқилғи сифатида фойдаланадиган саноат корхоналари майдонидан ташқи газ қувурлари ётқизишни лойиҳалашга ҳам тааллуқлидир.

Қора металлургия, нефтни қайта ишлаш саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларида газ таъминоти тизимларини лойиҳалашга татбиқ этилмайди, уларда газ таъминоти белгиланган тартибда тасдиқланадиган тармоқ меъёрий ҳужжатларига мувофиқ равишда лойиҳаланади; бу меъёрлар автомобилларга табиий газ ёқилғи қуйиш станциялари, газдан хом ашё сифатида фойдаланадиган корхоналарда майдонча ичида газ қувурларини ўтқизишни ва кўчма воситаларнинг газ ускуналарини лойиҳалашга ҳам татбиқ этилмайди.

Газ таъминоти тизими таркибига ташқи ва ички (бинонинг ичида ётқизиладиган) газ қувурлари ва уларга тааллуқли бино, иншоот, қурилма ва ускуналар киради

Битирув малакавий ишини бажаришдан мақсад ва вазифалари.

Битирув малакавий иши «Мухандислик коммуникациялари курилиши» йуналиши тайёрлаш буйича ўқув жараёнидаги муҳим жараён деб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади: «Мухандислик коммуникациялари курилиши», йуналиши учун утиладиган «Иссиклик газ таъминоти» фанидан маърузалар, лаборатория ва амалий машгулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ва келажакда лойиха ишларини тўлиқ бажара олишни билишдир.

Курс ишини бажариш натижасида талаба марказлашган, маҳаллий иситиш системаларини мустақил конструкциялаш ва ҳисоблашни, иситиш ва шамоллатиш лойиҳаларида тугри бажаришин билиши керак.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Газ таъминоти тизимини Республика, вилоятлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг тасдиқланган газ таъминоти тавсифлари асосида, газ таъминоти тавсифлари бўлмаганида эса туман ҳудудини режалаштириш тарҳлари (лойиҳалари) ва аҳоли яшайдиган жойларнинг бош режалари асосида лойиҳалаш лозим

Газ таъминоти тизимини лойиҳалашда ушбу меъёрларнинг талабларидан ташқари қуйидагиларга: Газ саноати вазирлиги тасдиқлаган «Газ хўжалигида ҳавфсизлик қоидалари)», «Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва улардан ҳавфсиз фойдаланиш қоидалари», «Халқ хўжалигида газдан фойдаланиш қоидалари»га, Энергетика вазирлиги тасдиқлаган «Электр қурилмаларнинг тузилиш қоидалари»га, Энергетика вазирлиги тасдиқлаган «Электр қурилмаларнинг тузилиш қоидалари» (ЭҚТК)га, ҚМҚ 3.05.02-88га, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси тасдиқлаган ёки у билан келишилган бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиш лозим.

Ёқилги сифатида фойдаланишга мулжалланган газ, табиий газ учун ГОСТ 5542-87 ва СУГ учун ГОСТ 20448-90 га мос бўлиши керак.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қурилмаларига ҳидли моддалар қўшилмаган газни беришга қуйидаги ҳолларда рухсат этилади: корхонага келадиган газ қувури аҳоли яшайдиган ҳудуднинг ташқарисидан ўтадиган бўлиши, газ ускуналари ва газ қувурлари жойлаштирилган хоналарда газ чиққанлигини билдирадиган сигнализаторлар ўрнатилган бўлиши ҳамда ҳидли моддалар қўшилмаган газдан ҳавфсиз таъминлайдиган бошқа қўшимча чора - тадбирлар бажарилган бўлиши зарур.

Газ тақсимлаш станциялари (ГТС) дан чиқадиган газнинг температураси ер ости қувурларига газ берилганда, минус 10° С дан паст бўлмаслиги ва қурилиш бораётган жойларга ер усти ва ер ости қувурлари орқали газ берилганда ташқари-даги ҳавонинг ҳисобий температурасидан паст бўлмаслиги лозим.

Ташқи ҳавонинг ҳарорати деб ҚМҚ 2,01.01-82 бўйича таъминланганлик 0,92 бўладиган энг совуқ беш кунликнинг ҳароратини қабул қилиш керак.

Ёнувчан ва ёнмайдиган таркибий қисм нисбати газдан фойдаланиладиган агрегатларнинг ҳавфсиз ишлашини таъминлайдиган миқдорда бўлганида, СУГ нинг ҳаво билан аралашмасидан ва бошқа газ-ҳаво аралашмайдиган ёқилғи сифатида фойдаланишга рухсат этилади.

Газ-ҳаво аралашмаларида зарарли қўшимчалар миқдори табиий газ ва СУГ учун ГОСТ 5542-87 ва ГОСТ 20448-90 да келтирилган қийматлардан ортиб кетмаслиги зарур.

Аҳоли яшайдиган жойларнинг ва алоҳида объектларнинг газ таъминотини системаларини лойиҳалашда газ ёқилғидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энг илғор техник ечимларни назарда тутиш лозим.

Ишлаб чиқаришларнинг газ таъминоти тизимларини янги асбоб-ускуналар билан таъминлашда, газ қувурларини янгилашда ва газдан фойдаланиладиган агрегатларнинг газ ускуналарини янгилашда бу ускуналар ушбу ҚМҚ талабларига мослаштирилиши лозим.

Газ тармоқларини ва улардаги иншоотларни лойиҳалашда қурилиш-монтаж ишларини заводларда ёки устахоналарда тайёрланадиган йиғма блокли, андазали ва намунавий элементлар ҳамда деталлар ишлатиш ҳисобига юқори даражада индустриялаштиришни эътиборга олиш керак. Бунда

курулиш-момтаж ишларини бажаришнинг ҳозирги усулларини ва намунавий лойиҳалардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқлараро газ қувурлари ётқизишга доир лойиҳаларда ҚМҚ 2.05 06-85 нинг 9-бўлими ва РД 118.0027714.24-93 нинг талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тасдиқлаган «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АТМ) тартиби ҳақида йўриқнома»га мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳам эътиборда тутиш керак

Буюртмачи олдиндан сотиб олган, шу жумладан чет мамлакатлардан сотиб олган, комплекс етказиб бериладиган технологик ва газ ускуналарини ишлатиб газлаштиришга лойиҳа жужжатларини ишлаб чиқишда бу ускуналардан фойдаланиш мумкинлигини шундай фаолиятга маҳсус рухсатномаси бор лойиҳалаш ташкилоти аниқлаши лозим.

Ускуналар ётқазиб берувчи чет эл фирмалари етказиб бериладиган газ ускуналарига лойиҳа хужжатларини ихтисослашган институт томонидан текшириш (экспертиза) ўтказилишини таъминлаши зарур.

Газ тақсимлаш тизимини, газ тақсимлаш станциялари (ГТС) газни ростлаш пунктлари (ГРП) сонини ва тақсимлаш газ қувурлари тузилишининг асосий тартиб-қоидалари (ҳалқа, боши берк, аралаш/танлашда) техник-иқтисодий ҳисобларга асосланиш ҳамда газ истеъмоли ҳажминини, тузилиши ва зичлигини, газ таъминотининг ишончлилигини шунингдек, уларни куриш ва ишлатишдаги маҳаллий шароитларни эътиборга олиш лозим бўлади,

Газ таъминоти тизимидаги газ қувурлари юборилаётган газнинг босимига қараб қуйидагиларга бўлинади:

I тоифадаги юқори босимли газ қувурлари - газнинг ишчи босими табиий газ ва газ-ҳаво аралашмалари учун 0.6 МПа (6 кгс/см²) дан 1.2 МПа (12 кгс/см²) гача, ҳамда суюлтирилган углеводород газлари (СУГ) учун 1.6 МПа (16 кгс/см²) гача;

II тоифадаги юқори босимли газ қувурлари - газнинг ишчи босими 0,3 МПа (3 кгс/см²) дан 0.6 МПа (6 кгс/см²) гача;

ўртача босими 500 даПа дан (0.05 кгс/см²) 0,3 МПа (3 кгс/см²) гача;

паст босимли газ қувурлари - газнинг ишчи босими 600 даПа гача (0,05 кгс/см²)

Саноат корхоналарининг иссиқлик қурилмалари ва алоҳида жойлашган қозонхоналар учун агар ишлаб чиқариш технологияси шароитлари талаб этадиган бўлса, босими 1,2 МПа (12 кгс/см²) гача бўлган газдан фойдаланишга рухсат этилади.

Ишлаб чиқариш биноларининг ёнига қурилган қозонхоналарда босими 0,6 МПа(6 кгс/см²) гача бўлган газдан фойдаланишга рухсат этилади

Маиший газ асбобларига бериладиган газнинг босимини шу асбобларнинг хужжати. (паспорти)да кўрсатилган маълумотларга мувофиқ ортиб кетмайдиган микдорда қабул қилиш лозим.

Истеъмолчиларнинг ҳар қайси тоифаси учун газнинг йиллик сарфини иншоотларнинг газ истеъмолчиларнинг ривожланиш истиқболларини эътиборга олган ҳолда ҳисоб даврининг охирига мўлжаллаб аниқлаш керак. Ҳисоб даврининг муддати объектларнинг газ истеъмолчиларнинг ривожланиш истиқбол режалари асосида белгиланади.

Шахсий иситиладиган хонадонларда газнинг йиллик сарфи газли иситиш асбобининг туридан қатъий (ҳисоблагич қурилмалар бўлмаганида), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 майдаги № 249 Қарорига мувофиқ ҳолда қабул қилиш зарур.

Шаҳарларнинг ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг Бош режа лойиҳаларини тузишда газ истеъмолининг йириклаштирилган кўрсаткичларини қабул қилиш лозим, 1 кишига м³ йилига м³:

- марказлаштирилган қайноқ сув таъминоти бўлганида - 108;
- газли сув иситкичлардан қайноқ сув билан таъминланганда- 258;
- иссиқ сув таъминоти умуман бўлмаганида- 150(қишлоқ жойларида 165),

Савдо корхоналари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган маиший хизмат корхоналари ва бошқа эҳтиёжлари учун газнинг йиллик сарфини турар жойлар учун.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик эҳтиёжлар учун газнинг йиллик сарфини шу корхоналарнинг ёқилғи истеъмол қилиш маълумотлари асосида (газ ёқилғига ўтилганда ФИК ўзгаришини ҳисобга олиб) уларнинг ривожланиш истиқболларини эътиборга олиб ёки ёқилғи **ва** иссиқлик сарфининг технологик нормалари асосида аниқлаш лозим.

Шаҳарлар ва бошқа яшайдиган жойларнинг газ таъминоти тизими газнинг бир соатлик максимал сарфига ҳисобланиши керак.

Хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 0° Сда ва газнинг босими 0.1 МПа (760 мм сим.уст.) бўлганда газнинг м³/соат ҳисобидаги соатлик максимал ҳисобий сарфини йиллик сарфнинг улуши сифатида қуйидаги ифода (формула)дан аниқлаш лозим;

$$Q_d^h = K_{\max}^h * Q_y$$

бунда; K_{\max}^h - соатлик максимум коэффиценти (йиллик сарфдан газнинг соатлик энг кўп сарфига ўтиш коэффиценти);

Q_y - газнинг йиллик сарфи, м³/йил.

Газнинг бир соатлик максимум сарфи коэффицентини газ тармоғи мустақил тизим ҳисобланадиган, бошқа туманларнинг тизимлари билан гидравлик боғланмаган ҳар қайси туманнинг газ таъминотига алоҳида қабул қилиш керак.

Саноатнинг турли тармоқларидаги корхоналар ва ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун газнинг соатлик ҳисобий сарфини ёқилғи истеъмолига доир маълумотлар асосида (газ ёқилғига ўтганда ФИК нинг ўғаришини эътиборга олиб) келтирилган саноат тармоқларидаги соатлик энг юқори коэффициантларини ҳисобга олган ҳолда газнинг йиллик сарфига асосланиб аниқлаш лозим.

Иситиш, ҳавосини тозалаш ва иссиқ сув билан таъминлаш эҳтиёжлари учун газ иссиқлигининг йиллик ва ҳисобий соатлик сарфини ҚМ ва Қ 2.04.01-85. ҚМ ва Қ 2.04.0591 ва ҚМ ва Қ 2.04.07-88 кўрсатмаларига мувофиқ, ҳолда аниқлаш лозим.

Паст ўрта ва юқори босимли тақсимлаш газ қувурларининг гидравлик ва иш режимларини газ босимининг йўл қўйиладиган энг кўп исрофларида энг тежашни ва ишлатишда ишончли, ГТП ҳамда газни ростлаш қурилмаларининг (ГРҚ), шунингдек, газнинг рухсат этиладиган босими оралиқларида истеъмолчилар горелкаларининг барқарор ишлашини таъминлайдиган шароитлардан келиб чиқиб қабул қилиш лозим.

Газ, қувурларининг ҳисобий ички диаметрларини гидравлик ҳисоб йўли билан, газ энг кўп истеъмол қилинадиган соатларда барча истеъмолчиларни газ билан узлуксиз таъминлаш шарти асосида аниқлаш зарур. Газ қувурларини келтирилган маълумотлар асосида гидравлик ҳисоблашга рухсат этилади.

ҚМҚ 2.04.08-96 талаблари ГТС ёки ГТПдан газ истеъмолчиларигача бўлган ташқи газ қувурларини (бино ва иншоотларининг ташқи деворларини) лойихалашга тааллуқлидир.

Аҳоли яшайдиган худудларда ётқизиладиган ташқи газ қувурларининг лойихаларини топографик планларда ГОСТ 21,610-85 да назарда тутилган масштабларда бажариш лозим. Қишлоқлараро газ қувурлари ётқизиш лойихасини 1:5000 миқёсли тархларда бажаришга рухсат этилади.

Тэкис рельефти ерда ётқизиладиган газ қувурлари учун, уларнинг табиий тўсиқлар ва турли иншоотлар билан кесишиб ўтадиган жойлари бўлмаганида, шунингдек, ер ости ва ерда ётқизиладиган газ қувурлари учун участкаларнинг буйлама кесмаларини тузиш талаб этилмайди.

Аҳоли яшайдиган худудларда ташқи газ қувурларини ҚМ ва Қ 2.07.01-89 га мувофиқ ер остидан ётқизишни назарда тутиш керак, Трассанинг айрим қисмларида, тураржой мавзелари ва ҳовлиларнинг ичида, қишлоқ жойларида транспорт юрадиган йўлдан ташқарида, газлаштириладиган биноларга тармоқ чиқарилган жойларда, газ қувурларини ерда ва ер устида жойлаштиришга рухсат этилади.

Газ қувурларини метрополитенга нисбатан ётқизиш ҚМваҚ 2,07.01-89 талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

Саноат корхоналарининг худудида ташқи газ қувурлари ҚМваҚ П-89-80 талабларига мувофиқ- ер устида ўтқазилиши керак.

Тураржойларда газ қувурларини уларни кўздан кечириш мумкин бўлганг аҳоли яшамайдиган биноларга киритиш назарда тутиш лозим.

Фуқороларга шахснй мулк сифатида берилган мавжуд тураржой биноларига газ қувурини иситиш печи ўрнатилган хонага киритишга рухсат берилади, бунда бинонинг ташқарисида газни беркитувчи қурилма бўлиши шарт.

Жамоат биноларига газ қувурларини бевосита газ асбоблари ўрнатилган хонага ёки йўлакларга киритишни назарда тутиш лозим.

Беркитувчи қурилмаларни, одатда, бинонинг ташқарисига ўрнатиш назарда тутилади.

Саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш хусусиятли бошқа биноларга газ қувурларини газ истеъмол қиладиган агрегатлар турадиган хонанинг бевосита ўзига ёки у билан очик йўлак орқали туташган кўшни хонага киритишни

назарда тутиш керак. Бунда қўшни хонада, хаво соатига камида уч марта алмашинадиган бўлиши керак,

Газ қувурларининг кириш жойлари биноларнинг пойдеворидан ёки пойдевор тагидан ўтмаслиги керак. Газ қувурларининг ГТПга кириш ва чиқишда пойдеворни кесиб ўтишига рухсат этилади.

Тураржой бинолари ва жамоат биноларида техник ертўлага ва техник йўлакларга газ қувурлари киритишга уларга квартал ички коллекторларидан паст босимли ташқи газ қувурлари келтирилган бўлгандагина рухсат этилади.

Газ қувурларини ертўлаларга, лифт хоналарига, хавосини тозалаш бўлмалари ва шахталарга, ахлат йиғиладиган хоналарга, трансформатор подстанцияларига, тақсимлаш қурилмалари хонасига, машина бўлимига. омборхоналарга, портлаш ва ёнғин чиқиш хавфи жиҳатидан А ҳамда Б тоифага кирувчи хоналарга киритишга рухсат этилмайди.

Саноат ва коммунал-маиший корхоналарнинг технологик жараёнга кўра, ёқилғи сифатида табиий газ ишлатиладиган агрегатлари жойлаштирилган ертўла хоналарига газ қувурларини киритишга рухсат этилади, фақат бунинг унун шу хоналар автоматик ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланган ҳамда, асосий ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган доимий ишлаб турадиган оқава-сўрма вентиляцияи бор бўлиши керак.

Пўлат қувурларни пайвандлаб туташтиришни назарда тутиш лозим.

Қисмларга ажраладиган (фланецли ва резьбали) бирикмаларни беркитиш арматураси ўрнатиладиган жойларга, конденсат йиғгичларга ва гидрозатворларга, назорат-ўлчов асбоблари ўрнатиладиган ҳамда электр муҳофаза қурилмалари бор жойларга қўйишни назарда тутиш керак,

Ажраладиган бирикмаларни тупрокдан ўтадиган газ қувурларига қўйишни мўлжаллашга рухсат этилмайди.

ЕР ОСТИ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ

Ер ости ва ер усти газ қувурларидан бино (ГТПдан ташқари) ва иншоотларгача бўлган минимал масофани ҚМваҚ 2,07.01-89 талабларига мувофиқ қабул қилиш керак. ГТП биносидан кирувчи ва чиқувчи газ қувурларигача бўлган бу масофа чекланмайди.

Бинолар орасидан ва бино равоқлари тагидан йўл (трасса)нинг айрим қисмларидаги тор жойлардан босими 0.6 МПа (6 кгс/см²) гача бўлган газ

кувурлари ётқизишда ҚМваҚ 2,07.01-89 да кўрсатилган масофани 50% гача камайтириш мумкин» шунингдек, босими 0,6 МПа (6 КГС/СМ²) дан юқори бўлган газ кувурларини ётқизишда улардан алоҳида турган, аҳоли яшамайдиган бинолар ҳамда, ёрдамчи биноларгача бўлган масофани ҳам кўрсатилгандан 50% камайтиришга рухсат этилади.

Бундай ҳолларда масофа қисқарган жойларда ва шу жойларнинг иккала томонидан 5 м дан масофада қуйидапиларни назарда тутиш лозим:

заводда пайванд бирикмани бузмайдиган усуллар билан 100% текшириб кўрилган чоксиз ёки электр билан пайвандланган кувурлар ёки назоратдан ўтмаган, лекин ғилоф билан ётқизилган электр пайванд кувурларни ишлатиш;

барча пайванд (монтаж) чокларни бузмайдиган назорат усуллари билан текшириб кўриш.

Газ кувурларидан қудуқларнинг ташқи деворларигача ва бошқа ер ости инженерлик тармоқларининг бўлмаларигача бўлган масофани камида 0.3 м қабул қилиш керак. Газ кувурларидан қудуқларгача ва бошқа ер ости инженерлик тармоқларининг бўлмаларигача бўлган масофа 0.3 м дан шу коммуникация учун белгиланган норматив масофагача бўлганда газ кувурларини сиқилган шароитда газ кувурлари ётқизишга қўйиладиган талабларга РИОЯ қилинган ҳолда ётқизиш керак

Электр билан пайвандланган кувурларни ғилофда ётқизишда ғилоф қудуқ ёки камера деворидан ҳар қайси томонга камида 2 м чиқиб туриши керак.

Газ кувуридан ҳаво алоқа линияси таянчларигача, трамвай троллейбус ва электрлаштирилган темир йўллариининг боғланиш (контакт) тармоғигача бўлган масофани тегишли кучланишдаги электр узатиш симларининг таянчларигача бўлган масофа каби қабул қилиш керак.

(Бўйлама) кўндаланг дренажли зовурсиз ётқизилган иссиқлик тармоғигача бўлган минимал масофани газ кувурларидан зовурга ётқизилган иситиш тармоғигача бўлган масофа каби қабул қилиш лозим,

Текисликда газ кувуридан зовурсиз ётқизилган дренажсиз иссиқлик тармоғининг энг яқин кувуригача бўлган минимал масофани сув кувурига қадар бўлган масофа каби қабул қилиш керак. Иссиқлик тармоғининг габаритлари (баландлиги ва кенглиги)дан чиқиб турадиган анкерли таянчлардан газ кувуригача бўлган масофани белгилашда таянчларнинг сақланишини ҳисобга олиш лозим.

Горизонтал (уфқий) бўйлаб газ қувиридан босимли канализациягача бўлган энг қисқа масофани сув қувиригача бўлган масофа каби ҳабул қилиш керак.

Газ қувиридан тор йўлли темир йўлларгача бўлган масофани ҚМваҚ 1.07.01-89 бўйича трамвай йўлларигача бўлган масофа каби олиш зарур,

Газ қувурларидан осон алангаланадиган материаллар сақланадиган омборлар ва корхоналаргача бўлган масофани шу корхоналарнинг меъёрларига қараб қабул қилиш керак, лекин у ҚМваҚ 2.07.01-89 да кўрсатилган масофадан кам бўлмаслиги лозим.

Газ қувурларидан уфқий ва тип магистрал газ қувурлари хамда, нефть қувурларигача бўлган минимал масофани ҚМваҚ 2.05.06-85 га мувофиқ қабул қилиш лозим.

Босими 0.6 МПа ва ундан кўп бўлган қишлоқлараро газ қувурларидан тепалик этагигача ва чуқурлик нишабининг қирғоғигача ёки умумий тармоқ темир йўлларнинг бошланғич (нолинчи) белгисидаги чекка изгача бўлган масофани камида 50 м га тенг қилиб олиш керак. Жой тор бўлган шароитларда темир йўл идорасининг тегишли бошқармалари билан келишилган холда бу масофани ҚМваҚ 2.07.01-89 да келтирилган қийматларгача камайтириш мумкин, Бунда шу участкада газ қувурларини камида 2 м чуқурликда ётқизиш, қувурлар деворларининг қалинлигини ҳисоблаб топилганга қараганда 2-3 мм кўпроқ қилиб олиш ва барча пайванд бирикмаларни бузмайдиган усуллар билан текшириб чиқиш керак.

Иккита ёки уйдан кўп газ қувурларини битта зовурга бир хил ёки турли хил сатжда (поғона-поғона қилиб) ётқизишга рухсат этилади. Бунда газ қувурлари орасидаги масофа қувурларни йиғиш (монтаж) ва таъмирлаш учун етарли бўлиши керак.

Ҳар хил босимли газ қувурлари ер ости инженерлик тармоқлари билан кесишадиган бўлганда вертикал бўйича улар орасидаги масофани камида 0.2 м, электр тармоқлари билан орадаги масофани Э.Т.К га мувофиқ, кабель алоқа линиялари ва радиоузатиш тармоқлари билан орасидаги масофани ВСН 116-87 ва ВСН 600-81 га мувофиқ олиш зарур.

Ер ости газ қувурлари иситиш тармоғи каналларини, коммуникация коллекторларини, бошқа хил каналларни устидан ёки остидан кесиб ўтадиган жойларда газ қувирини ғилоф кийгизиб ётқизишни назарда тутиш лозим,

бунда ғилоф кесишган иншоотнинг ташқи деворларидан иккала томонга 2 м чиқиб туриш керак; бундан ташқари, қувурнинг иншоот билан кесишган жойидан иккала томонга 5 м дан масофада пайванд чокларни бузмайдиган усуллар билан текшириб кўриш зарур.

Ғилофнинг бир учида назорт найчиси бўлиб, у муҳофаза қилинган қурилмадан чиқиб туриши керак.

Газ қувуряарини ётқизиш чуқурлиги қувурнинг ёки ғилофнинг тепасигача камида 1 м бўлиши керак.

Транспорт воситалари юриши мўлжалланмаган жойларда газ қувурлари ётқизиш чуқурлигини 0.6 м гача камайтиришга рухсат этилади

Қурилмаган газ ўтадиган газ қувурларини тупроқнинг мавсумий музлаш зонасидан пастда ва конденсат йиғгичга 2% қиялик билан ётқизишни назарда тутиш керак,

Қурилмаган газ ўтадиган газ қувурларининг бино ва иншоотларга кириш жойи тақсимлаш газ қувури томонига оғган булиши зарур. Агар жой рельефи шароитларига кўра тақсимлаш газ қувури ва зарурий нишаб қилишнинг иложи булмаса газ қувурини букиб ётқизишга ва пастки нуқтасига конденсатйиғгич ўрнатишга рухсат этилади.

Газ қувурларининг биноларнинг ташқи деворларини кесиб ўтадиган жойларига ғилоф кийдириш зарур.

Девор билан ғилоф орасидаги бўшлиқни бошидан-охиргача яхшилаб беркитиб, текислаб чиқиш керак.

Ғилоф учларига эластик материал тикиб, зичлаштириш лозим.

Газ қувурларини қурилиш чиқиндилари ва чиринди аралашган тупроқга ётқизишда газ қувури остига юмшоқ ёки қумли тупроқдан камида 10 см қалинликда (заминнинг нотекикликлари устидан) тўшаш зарур; газ қувурининг устидан худди шундай тупроқдан траншея тўлгунча солиш керак.

Кўтариш қобиляти 0.025 МПа (0.25 кгс/см²) дан кам бўлган тупроқдан шунингдек, қурилиш чиқиндилари ва чиринди аралашган тупроқларда зовур тубига антисептикланган ёғоч ғўлалар, бетон ғўлачалар тўшаш, қозик қоқиш ёки майда тош ёки шағал ташлаб шиббалаш йўли билан мустаҳкамлаш зарур, Шундан кейин ушбу банднинг биринчи абзацида кўрсатилгандек газ қувури тагига ва устига тупроқ солиш керак.

Ер ости сувлари юза жойлашган жойларда, агар ҳисобларга кўра сув чиқиши мумкин бўлса газ қувурлари очилиб қолишининг олдини оладиган тадбирларни кўриш зарур,

ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИ ЕР УСТИ ВА ЕРДАН ЎТҚАЗИШ

Ер устида ўтказиладиган газ қувурлари таянчлар, ёнмайдиган материалдан тайёрланган алоҳида-алоҳда жойлашган этажеркалар ва устунлар устига ёки биноларнинг деворларига жойлаштириш керак.

Бунда қуйидагича жойлаштиришга рухсат этилади:

- алоҳида турган таянчлар, устунлар, эстакада ва этажеркаларда - ҳар қандай босимли газ қувурларини;

- В.Г ва Д тоифага кирувчи хоналари бор ишлаб чиқариш биноларининг деворлари бўйлаб босими 0,6 МПа (6 кгс/см^2) гача бўлган газ қувурларини;

- ўтга чидамлилик даражаси камида III-IIIa бўлган жамоат биноларининг ва тураржой биноларининг деворлари бўйлаб босими-0,3 МПа (3 кгс/см^2) гача бўлган газ қувурларини;

- ўтга чидамлилик даражаси IV-V бўлган жамоат бинолари ва тураржой биноларининг деворлари бўйлаб - қувурларининг шартли диаметри кўпи билан 50 мм бўлган паст босимли газ қувурларини, шу биноларининг ташқи деворларига ва бошқа қурилмаларига газнинг босим ростлагичлари жойлаштрилганда эса - ростлагичга киргунча бўлган жойларда 0.3 МПа гача босимли газ қувурларини;

- қувурларининг диаметри 50 мм дан ортиқ бўлмаган ўртача босимли газ қувурларини бевосита тураржой бинолари бўйича ўтқозишга рухсат этилади.

Қуйидаги ҳолларда газ қувурларини бевосита ўтқозиш таъқиқланади:

- болалар муассасалари, касалхоналар, мактаблар ва тамошагоҳлар биноларининг деворлари бўйлаб - ҳар қандай босимли газ қувурларини;

- тураржой биноларнинг деворлари бўйлаб - юқори босимли газ қувурларини.

Ҳар қандай босимли газ қувурларини деворлари шағалл қопламали ва полимер иситкичли панеллардан қурилган бинолар ҳамда А ва Б тоифага кирувчи бинолар бўйлаб ўтқозиш таъқиқланади.

Саноат корхоналарининг худудида ўтказиладиган ер усти газ қувурларини ва бу газ қувурлари учун таянчларни ҚМваҚ 2,07,01-89 ва ҚМваҚ 2,09,03-85 талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш керак.

Юқори босимли газ қувурларини портлаш хавфи бор ҳамда ўт олиш хавфи бор В, Г ва Д тоифаларга мансуб хоналари бор бир қаватли ишлаб чиқариш биноларининг яхлит деворларидан, дераза ва эшиклар тепасидан, кўп қаватли биноларда юқори қаватлардаги деразалар тепасидан, шу биноларга қўшилган ёрдамчи бинолардан. Шунингдек, алоҳида жойлашган қозонхоналардан ўтқозишга рухсат этилади.

Ишлаб чиқариш биноларида паст ва ўрта босимли газ қувурларини очилмайдиган деразалар кесакиси бўйлаб ўтқозишга ва бу қувурларининг шиша блоклар тўлдирилган ёруғлик тушадиган жойлар билан кесишишга рухсат этилади.

Биноларнинг деворлари бўйлаб ўтқазилган газ қувурлари билан бошқа инженерлик тармоқлари орасидаги масофани бинолар ичида газ қувурлари ётқизишга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда қабул қилиш керак.

Тураржой биноларининг ва ишлаб чиқариш хусусиятли бўлмаган жамоат биноларининг дераза ўрни ва балконлар остидан ўтган газ қувурларида ажраладиган бирикмалардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Қувурларнинг ерга кириш ва ердан чиқиш жойларига яқин бўлган ер устидаги, ердаги ва ер ости газ қувурларини лойиҳалашда температура таъмирида бўлиши мумкин бўлган бўйлама шакл ва ҳажмининг ўзгаришини ҳисобга олиш керак

Ер устидаги газ қувурларининг ўтқазилиш баландлигини ҚМваҚ 2.07.01-89 талабларига мувофиқ ҳолда қабул қилиш лозим. Транспорт юрадиган ва одамлар қатнайдиган жойлардан ташқарида газ қувурларини ердан қувурнинг тубигача бўлган масофа камида 0.35 м бўладиган баландликдаги паст таянчларда ўтқозишга рухсат этилади.

Газ қувурларининг ерга кирадиган ва ердан чиқиб турадиган жойларига ғилоф кийдириш зарур.

Газ қувурлари механик шикастланиши мумкин бўлмаган жойларда (юримайдиган жойлар ва ҳ) ғилоф кийдириш шарт эмас.

Қурилмаган газ ўтадиган газ қувурларини камида 3% қиялик билан ётқизиш ва пастки нуқталарида конденсатни тутиб қолиш қурилмалари

(беркитувчи мосламали дренаж илуцерлар) ўрнатиш керак. Бу газ қувурлари учун иссиқлик изоляцияси бўлишини назарда тутиш лозим.

Таянчлар орқали ўтақзилган ер усти газ қувурлари ва ердан (атрофини чегараламасдан) ўтказилган газ қувурини уфқий йўналиш бўйича бино ва иншоотларгача бўлган масофани, кўрсатилган кийматлардан кам олмаслик зарур.

Ер устидан ўтказилган газ қувурлари билан ер устидан ва ердан ўтказилган бошқа инженерлик коммуникациялари орасидаги масофани белгилашга қувурларнинг ҳар бирини йиғиш кўздан кечириш ва таъмир қилиш имкониятини ҳисобга олиш лозим.

Газ қувурлари билан ҳаводан электр узатиш линиялари.шунингдек кабеллар орасидаги масофани ЭТҚ бўйича қабул қилиш керак.

Ер устидаги газ қувурларининг таянчлари орасидаги масофани ҚМваҚ 2.04,12-86 талабларига мувофиқ аниқлаш лозим.

Алоҳида турган таянчлар, устунлар, эстакадалар ва этажеркаларда газ қувурларини ҚМваҚ 2,07.01-89 га мувофиқ бошқа вазифали қувурлар билан бирга ётқизишга рухсат этилади.

Газ қувурларини электр кабеллар ва симлар, шу жумладан газ қувурларига хизмат қилишга мўлжалланган электр симлар (куч электр симлар, хабар бериш қурилмаси, диспетчерлик, газни узиш-улаш ва бошқа мақсадлардаги) бирга ётқизишда ЭТХ да кўрсатилган талабларга риоя қилиш лозим.

Газ қувурларини темир йўл ва автомобил йўлларидаги кўприклардан ўтказишда ҚМваҚ 2,05.03-84 талабларига риоя қилиш ва кўприк қурилмасида газ тўпланиб қолмайдиган (газ сизиб чиққанда) жойлардан ўтказиш керак

ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИ ТЕМИР ЙЎЛЛАР ҲАМДА АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ОРҚАЛИ ЎТҚАЗИШ

Газ қувурларининг темир йўллар ва трамвай йўллари, шунингдек автомобиль йўллари билан кесишадиган жойда, одатда, 90⁰ бурчак остида ўтказишни назарда тутиш керак.

Трамвай йўллари ва темир йўллар билан кесишадиган жойларда ер ости газ қувурларидан иншоотларгача бўлган энг кам масофани қуйидагича қабул қилиш керак: Темир йўлларда кўприклар, қувурлар, Тоннеллар ва пиёдалар

ўтадиган кўприклар ва тоннелларгача (одамлар кўп тўпланадиган) бўлган масофа - 30 м. стрелкаларгача - трамвай йўллари учун 3 м ва темир йўллар учун 10 м;

контакт тармоқ таянчларигача - 3 м,

Бу масофаларни камайтириш учун кесиб ўтиладиган иншоотлар қайси ташкилот ихтиёрида бўлса шу ташкилот билан зарур. Умумий тармоқдаги темир йўллар орқали газ қувурлари ўтказишда белгили столбалар (ёки белгилар) ўрнатиш ҳамда уларни расмийлаштириш зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг АЙВ билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Темир йўллар ва трамвай йўллари билан I, II ва III тоифадаги автомобиль йўллари билан, шунингдек шаҳар чегарасидаги тезюрар йўллар, шаҳар ичидаги шох-кўчалар билан кесишиш жойларида ҳар қандай босимли ер ости газ қувурларини пўлат ғилофларида ётқизишни назарда тутиш лозим.

Туман аҳамиятига эга бўлган шохкўчалар ва йўлларни, юк ташиладиган йўлларни шунингдек, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўча ва йўлларни кесиб ўтишда газ қувурларига ғилоф қилиш зарурлигини лойихалаш ташкилоти транспорт қатновининг даражасига қараб белгилайди. Бунда мустаҳкамлиги ва чидамлилиги жихатдан талабларга жавоб берадиган нометал материалдан ғилоф қилишни назарда тутиш мумкин. Ғилофларнинг учлари зич беркитилган бўлиши лозим. Ғилофнинг бир учида химоя қурилмасидан чиқиб турадиган назорат найчиси, қишлоқлараро газ қувурларида эса намуна олиш қурилмаси ўрнатилган сўрма свеча (чироқ) (у йўл чатидаи камида 50м - масофада бўлиши керак) бўлишини назарда тутиш зарур,

Ғилофнинг қувурлараро бўшлиғига газ таъминоти тизимига хизмат кўрсатишга мўлжалланган алоқа кабели, телемеханика, телефон кабели, электрдан муҳофаза қилиш дренаж кабели ётқизишга рухсат этилади.

Ғилофнинг учларини иншоотлардан қуйидагича масофада чиқариш лозим, м ҳисобида.

темир йўл кўтармасининг сув қочириш иншоотидан (арик, зовур ва ҳ) камида 3 м;

темир йўлнинг чекка изидан - 10, саноат корхонасига кирадиган темир йўл изидан - 3 ;

трамвай йўлининг чекка изидан - 2 ;

кўчанинг қатнов қисмининг четидан - 2 ;

автомобиль йўлининг қатнов қисмининг четидан - 3.5;

Ҳамма ҳолларда ҳам ғилофнинг чиқариладиган учлари кўтарма этагидан камида 2 м наридан чиқарилиши зарур.

Темур йўллар, трамвай йўллари ва автомобиль йўлларининг тагидаи ўтказиладиган газ қувурларини ётқизиш чуқурлигини қурилиш ишлари қандай усулда бажарилишига ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда тупроқнинг хусусиятга қараб белгилаш лозим

Газ қувури ётқизишда ғилоф тепасидан темир йўл изи тагигача ёки нолинчи (бошлангич) белгилар ва чуқурликларда қоплам тепасигача бўлган энг кам (минимал) чуқурликни қуйидагича олиш лозим, м ҳисобида.

умумий тармоқдаги темир йўллар остидан -2 (сув қочириш иншоотлари тубидан - 1.5), ишлар тешиш усули билан бажарилганда - 2.5;

трамвай йўллари, саноат корхоналарининг темир йўллари ва автомобиль йўллари остидан;

ишлар очик усулда бажарилганда - 1 ;

ишлар сиқиш, ётиқ бурғилаш усулида ёки туннелқазгич билан бажарилганда - 1.5;

ишлар тешиш усули билан бажарилганда - 2.5

Бунда умумий тармоқдаги темир йўллар кесишадиган жойларда ғилофдан 50 м масофада кўтарманинг иккала томонидан газ қувурининг ётқизилиш чуқурлиги ер сиртидан қувурнинг тепасигача камида 2.1 м бўлиши керак.

Умумий тармоқдаги темир йўлларни кесиб ўтадиган жойларда газ қувури деворининг қалинлигини ҳисобийсидан 2-3 мм қалинроқ қилиб олиш ва шу жойларда барча ҳолларда муҳофаза қопламасининг мустаҳкамани ишлатишни назарда тутиш зарур.

Электрлаштирилган ва электрлаштирилмаган темир йўллар, трамвай йўллари, автомобиль ўтказилиш баландлигини КМваҚ П-89-90 талабларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

ГАЗ ҚУВУРЛАРИДА БЕРКИТУВЧИ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ

Қуйидаги ҳолларда газ қувурларида беркитувчи қурилмалар ўриатишни назарда тутиш керак:

тураржой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига ёки ёнма-ён бинолар гуруҳига кириш жойларида, ташқи газ истеъмол қилувчи қурилмалардан олдин;

ГТПга қиршда, иккита ёки ундан кўп ГТП ли тизимларда ҳалқа қилиб туташтирилган газ қувурларда ГТП дан чиқишда:

кўчадаги газ қуеурларидан алоҳида даҳа ва мавзеларга, тураржой бинолари гуруҳига ёки 400 дан кўпроқ хонадон бўлган алоҳида уйларга қирадиган шоҳобчаларда;

газ таъминотининг хавфсизлигини ва ишончлилигини таъминлаш учун газ қувурларининг алоҳида қисмларни беркитиш мақсадида сувли тўсиқларни иккита ва ундан кўп газ қувири кесиб ўтадиган бўлганда ёки сувли тўсиқнинг текисликдаги эни 75 м ва ундан кўп бўлганда бир тармоқли газ қувурининг ўзида;

Умумий тармоқдаги темир йўллари ва I хамда, II тоифали автомобиль йўллари кесиб ўтишда.

Қуйидаги ҳолларда беркитувчи қурилмалар ўрнатмасликка рухсат этилади: келишиш тақсимлаш газ қувурининг тармоғидаги беркитувчи қурилма ГТПдан, кўпи билан 100 м масофада бўлса, корхоналарнинг ГТПдан олдин;

агар йўлдан кўпи билан 1000 м масофада беркитувчи қурилма ёки кесиб ўтиш жойига газ берилишини тўхтатувчи бошқа қурилмалар (линия сурма копоқлар, ГТП, ГТСдан кейин беркитувчи қурилмалар) бор бўлса умумий тармоқдаги темир йўллари ва I хамда II тоифадаги автомобиль йўллари кесиб ўтиш жойига беркитувчи қурилмалар ўрнатмасликка рухсат этилади.

Ташқи газ қувурларидаги беркитувчи қурилмаларни ерга ўрнатилган шкафларга ёки тўсиқларга, шунингдек, биноларнинг деворларига жойлаштириш лозим.

Ер ости газ қувурларида беркитувчи қурилмаларни, одатда, қудуқларда жойлаштириш назарда тутилади. Беркитувчи қурилмаларни кўчанинг одамлар

юрмайдиган қисмида ерда тўсиқ ёки шкафларда жойлаштиришга рухсат этилади.

Беркитувчи қурилмаларни унга бемалол хизмат қилиш мумкин бўлган жойга жойлаштириш керак.

Параллел газ қувурларига ўрнатилган беркитувчи қурилмаларни хизмат кўрсатиш, йиғиш ва бўлакларга ажратишга имкон берадиган даражада бир-биридан маълум масофада ўрнатиш зарур,

Қудуқларда беркитувчи арматурани йиғиш ва бўлакларга ажратишга имкон берадиган ўрнини тўлдирувчи қурилма бўлишини назарда тутиш керак.

Қудуқда I тоифали юқори босимли газ қувурларига фланецли (лаппаксимон бирлаштирувчи) арматура ўрнатишда ўрнини тўлдирувчи қурилма ўрнига қия лаппаксимон бирлаштирувчи мослама қўйишни назарда тутиш мумкин.

Пайвандлаб бириктириш учун пўлат арматура ўрнатишда ўрнини тўлдирувчи қурилма ҳам, қия лаппаксимон бирлаштирувчи мослама ҳам керак эмас.

Қудуқларни қурилиш бораётган жойдан ва корхона ҳудудини чегараловчи тўсиқлардан камида 2 м масофада бўлишини назарда тутиш лозим. Транспорт юрмайдиган ва одамлар қатнамайдиган жойларда қудуқлар копоғини ер сатҳидан баландроқ турадиган қилиб мўлжаллаш керак.

Биоларнинг деворига ўрнатиш мўлжалланган беркитувчи қурилмаларни эшик ўрнидан ва очиладиган дераза ўрнидан камида қуйидагича масофада жойлаштириш керак, м ҳисобида:

паст босимли газ қувурлари учун горизонтал бўйича - 0.5;

ўртача босимли газ қувурлари учун горизонтал бўйича - 3;

Тураржой биоларида затворининг герметиклиги I тоифага кирадиган шарли жўмраклар пайвандлаб ўрнатилган бўлса, масофани 1 метрга қадар камайтириш мумкин.

II тоифали юқори босимли газ қувурлари учун горизонтал бўйича -5.

Беркитувчи арматура 2.2 м дан баландда жойлашган бўлса, унинг тагида ёнмайдиган материаллардан ишланган зинапо्याли майдонча бўлишини назарда тутиш лозим

Эслатма; Ушбу банддаги охирги хат бошидан бошқа талаблар, ГТП ва ГТС биолари учун тааллуқи эмас.

Саноат корхоналари ва бошқа корхоналар худудидан ўтадиган халқа қилиб бирлаштирилган тақсимлаш газ қувурларида ўрнатиш лойиҳалаштирилган беркитувчи қурилмаларни шу корхоналар худудидан ташқарида жойлаштириш зарур.

ГТП га кирадиган ва ундан чиқадиган газ қувурларида беркитувчи қурилмаларни ГТП дан камида 5 м ва кўпи билан 100 м масофада ўрнатишни назарда тутиш лозим.

Биноларга тақаб солинган иморатларда жойлаштирилган ГТП ва шкафли ГТП ларда беркитувчи қурилмаларни ер устидан ўтказилган газ қувурларида ГТП дан камида 5 м масофада, хизмат кўрсатиш қулай бўлган жойга ўрнатишга рухсат этилади.

Сувли тўсиқлардан ўтадиган газ қувурларида беркитувчи қурилмаларни таъминланганлик 10% бўлганда, қирғоқларда ЮСГ белгиларидан паст бўлмаган ва муз қўчиш белгисидан юқорида, тоғ дарёларида эга таъминланганлик 2% бўлганда ЮСГ белгисидан юқорида жойлаштириш керак. Бунда халқа қилиб бирлаштирилган газ қувурларида беркитувчи қурилмани иккала қирғоқда, боши берк якка газ қувурларида битта қирғоқда газ келаётган томондаги қирғоқда жойлаштиришни назарда тутиш керак.

Темир йўллар кесиб ўтиладиган жойларда беркитувчи қурилмаларни кўйидагича жойлаштириш зарур:

боши берк газ қувурларида - кесиб ўтиладиган жойдан газнинг йўли бўйлаб камида 1000 м нарида;

халқа қилиб бирлаштирилган газ қувурларида кесиб ўтиш жойининг иккала томонидан ўтиш жойидан кўпи билан 1000 м масофада.

ГАЗ ҚУВУРЛАРИДАГИ ИНШОТЛАР

Газ қувурларидаги беркитувчи қурилмалар жойлаштириладиган қудуқларни ёнмайдиган, намлик таъсирига, биологик моддалар таъсирига чидамли материаллардан ясашни назарда тутиш лозим.

Қудуқларнинг тузилиши ва материали уларга ер ости сувлари сизиб кирмаслигини таъминлаш лозим. Қудуқлар деворининг ташқи юзаси силлик, сувалган ва тоғ қатрони гидроқоплама материаллари билан қопланган бўлиши керак

Газ қувурининг қудуқ девори орқали ўтадиган жойларига гилоф кийдиришни назарда тутиш лозим.

Назорат найлари, назорат-ўлчов нукталарининг боғланиш учлари, конденсат йиғгичларнинг сув тағловчи найлари, гидрозулфинлар ва арматурани механик шикастланишдан муҳофаза қилиш учун бетон, темир-бетон ва бошқа пойдеворларга гиламча тўшашни назарда тутиш зарур, пойдеворлар унинг барқарорлигини таъминлайдиган ва тешиб юбормайдиган бўлиши керак.

Газ қувуридаги иншоотнинг жойлашган ўрнини кўрсатиш учун газ қувурининг тепасига ёки унинг яқинига (бино ва иншоотлар деворига ёки махсус белгилаш устунчаларга) кўрсаткич тахталалар ўрнатишни назарда тутиш зарур.

ҚУВУРЛАРНИ ЕМИРИЛИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Пўлат газ қувурларини атроф мухит ва дайди электр тоқлар таъсирида емирилишдан муҳофаза қилишни назарда тутиш лозим.

Ер ости газ қувурларини емирилишдан муҳофаза қийишни Давлат стандартлари 9,602-89 талаблари, белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий-техник ҳужжатлар ва ушбу булим талаблари асосида лойихалаштириш зарур,

Ҳимоя қопламлари учун материал II бўлим талабларига мос бўлиши керак.

Шахарлар, аҳоли яшайдиган жойлар доирасида кўчадан ўтказиладиган ер ости газ қувурларида назорат-ўлчов пунктлари ўрнатишни назарда тутиш зарур, улар орасидаги масофа кўпи билан 200м, аҳоли яшайдиган ҳудудлардан ташқарида эса кўпи билан 500 м бўлиши керак.

Ҳайдаладиган ерларда лойиха билан белгиланади. Бундан ташқари, газ қувурларининг электрлаштирилган транспортнинг темир изли йўллари билан кесишиш жойида (иккитадан кўп изли йўллар кесиб ўтиладиган бўлса йўлнинг иккала томонида) чекка издан кўпи билан 20 м масофа, газ қувурлари эни 75 м дан катта сувли тўсиқларни кесиб ўтадиган ҳолларда назорат- ўлчов пунктлари ўрнатишни назарда тутиш зарур.

Газ қувурларини маҳаллалар ичида, ҳовлиларда ётқизишда, шунингдек, газ қувурлари бир-бири билан ва бошқа ер ости тармоқлари билан

кесишадиган жойларда назорат-ўлчов нуқталари ўрнатиш зарурлиги масаласи емирилиш шароитларига боғлиқ ҳолда лойихалаш ташкилоти томонидан хал қилинади.

Газ қувурларининг муҳофазанинг электр имкониятларини ўлчаш учун газ қувурларида беркитувчи қурилмалар, конденсат йиғгичлар ва бошқа ускуна ҳамда иншоотлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Газ қувурларни электр-химёвий муҳофаза қилишда қуйидаги ҳолларда изоляцияловчи фланецли бирикмалар (ИФБ) ўрнатишни назарда тутиш керак: газ қувурининг ерга ва ГТП га қарши ҳамда чиқиш жойларида, газ қувурининг бинодаги металл конструкциялар ва инженерлик тармоқлари орқали ер билан электр жихатдан туташishi мумкин бўлган биноларга кириш жойида;

газ қувурининг дайди тоқлар манбаи ҳисобланган иншоотга кириш жойида; газ қувурларини қисмларга бўлиш учун; газ қувурининг айрим қисмларини бошқаларидан электр изоляция қилиш учун.

Агар ГТП ерлантириш контурининг ёки СУГ ер ости сақлагичларининг ёйилишга қаршилиги 5 ом дан катта бўлса, газ қувурларида ИФБ ўрнатишга рухсат этилмайди.

Газ қувурларининг лаппаксимон бир лаитгирувчи бирикмалар учун кудуқларда доимий шунтловчи электр кўтармалар бўлишини назарда тутиш лозим.

Электр-химёвий муҳофаза қурилмаларидан ва уларнинг боғланиш қурилмаларидан СУГ газ сақлагичларигача бўлган масофани камида 5 м деб қабул қилиш керак.

СУГ пўлатли сақлагичларини емирилишдан муҳофаза қилиш учун ишлатиладиган протекторларни бевосита яшин тушишидан муҳофаза қиладиган асосий ерлантиргич сифатида назарда тутиш керак. Бунда РД 34.21,122-87 талабларига амал қилиш лозим.

Қувурлар орасидаги пўлат тасмадан ишланган электр туташтиргичлар ва пўлат ғилофлар (тешиш усулида кийдириладиган ғилофдан ташқари) кучли муҳофаза қопламига эга бўлиши зарур.

Ер усгидаи ўтказиладиган газ қувурларини ҳаво таъсирида емирилишдан муҳофаза қилиш учун уларга дастлабки икки қават бўёқ суртиб, сўнгра қурилиш бораётган жойнинг ташқи ҳаво ҳароратини ҳисобга олган, икки қават бўёқ, лок ёки эмаль суртиш зарур,

ПОЛИЭТИЛЕН ГАЗ ҚУВУРЛАРИ

Ушбу бўлимда келтирилган кўшимча талабларни полиэтилен қувурлардан, ер ости газ қувурлари ётқизиш ва эскиларини таъмирлашни лойихалаштиришда назарда тутиш лозим.

Ушбу бўлимдаги талаблар, металлдан ишланган эскирган ер ости газ қувурларини уларга полиэтилен қувурлар кийдириш (ўраш) йўли билан таъмирлашда ҳам бажарилиши зарур.

Газ қувурларини лойихалаш ва таъмирлашда газ идорасининг белгиланган тартибда тасдиқланган норматив хужжатларида келтирилган талабларга ҳам амал қилиш лозим.

Газ қувурлари ётқизилишда, газнинг босими ва таркибига қараб полиэтилен қувурлар ишлатиш мумкиилигини ҚМҚ да келтирилган талабларни эътиборга олган ҳолда аниқлаш лозим.

Шахарлар худудида газ қувурлари ётқизишда ишлатиладиган полиэтилен қувурлар ўрам, ғалтак ёки барабан ҳолида уланадиган жойлари кам бўлиши керак.

Шу мақсадда узунлиги муайян ўлчамли, қиздиргичли муфталар билан бириктириладиган ёки асоси яхши бўлганда учма-уч пайвандланадиган қувурлардан фойдаланишга рухсат этилади, бунда барча бириктирилган жойларни физикавий усуллар билан текшириб чиқиш зарур,

Газ қувурларини қуйидаги ҳолларда полиэтилен қувурлардан ётқизишга рухсат этилмайди:

ишлов берилаётган ва карстли худудларда;

шахарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда чуқувчанлиги II турга кирадиган тупроқли ерларда;

сейсмиклиги 6 баллдан юқори бўлган районлардаги шахарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда узунлиги маълум ўлчамда бўлган қувурлардан фойдаланиш;

ер устида, ерда, биноларнинг ичида, шунингдек, тоннеллар, коллекторлар ва каналларда;

бет

59

7	V_{p3-4}	168
8	V_{p9-3}	762,65
9	V_{p8-9}	1445,7
10	V_{p5-4}	73,5
11	V_{p5-6}	151,875
12	V_{p8-5}	534,775
13	V_{p7-6}	91,125
14	V_{p8-7}	283,525
15	$V_{ГРП}$	2614,25
Жами:		6982,72

Гидравлик хисобда ГРП дан энг охирги нуқтадаги қисмигача бўлган босимларнинг йўқолишини хисоблаш лозим.

Қабул қилишни СНиП лардан фойдаланган холдан хар бир ГРПдан чиқаётган босимлар 300мм. сув устунни. Умумий босим йуқолиш энг охирги нуқтагача босим 120мм. сув устунини ташкил қилиши керак.



Босимнинг солиштирма йўқолиши йўналиши бўйича.

Умумий босимнинг солиштирма йўқолиши хар бир йўналиш бўйича аниқлаш қуйидаги тенглик билан аниқланади:

	<i>бет</i>
	60

$$\Delta P = (H - \Sigma H_i) / (\Sigma l - \Sigma l_i);$$


Бу ерда H - умумий босим йўқолиши 120мм сув устуни.

ΣH_i -йўналиши бўйича участкалардаги босимларнинг йўқолиши.

Σl -Хисобланиши керак бўлган йўналишдаги участкалар масофасининг йиғиндиси.

Масалан: бу йўналиш.

ГРП-8-9-3-2-1-11.



$$\Delta P_{8-9-3-2-1-11} = H / \sum l_i = H / (l_{8-9} + l_{9-3} + l_{3-2} + l_{2-1} + l_{1-11}) = 120 / (120 + 105 + 135 + 105 + 60) = 0,228 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.


$$H_{8-9} = \Delta P_{8-9-3-2-1-11} \cdot l_{8-9} = 0,228 \cdot 120 = 27,36 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

$$H_{9-3} = \Delta P_{8-9-3-2-1-11} \cdot l_{9-3} = 0,228 \cdot 105 = 23,94 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

$$H_{3-2} = \Delta P_{8-9-3-2-1-11} \cdot l_{3-2} = 0,228 \cdot 135 = 30,78 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

$$H_{2-1} = \Delta P_{8-9-3-2-1-11} \cdot l_{2-1} = 0,228 \cdot 105 = 23,94 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

$$H_{1-11} = \Delta P_{8-9-3-2-1-11} \cdot l_{1-11} = 0,228 \cdot 60 = 13,68 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$




ГРП-8-9-10-11.

$$\Delta P_{8-9-10-11} = H - H_{9-3} / \sum l - l_{9-3} = 120 - 23,93 / (375 - 120) = 96,07 / 255 = 0,42 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.

$$H_{9-10} = \Delta P_{8-9-10-11} \cdot l_{9-10} = 0,42 \cdot 135 = 56,7 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$

$$H_{10-11} = \Delta P_{8-9-10-11} \cdot l_{10-11} = 0,42 \cdot 120 = 50,4 \text{ мм.сув уст} / \text{м}$$




ГРП-8-9-10-2.

$$\Delta P_{8-9-10-2} = H - (H_{9-8} + H_{9-10}) / \sum l - (l_{8-9} + l_{9-10}) = 120 - (27,3 + 56,7) / 360 - 255 = 0,34 \text{ мм.сув уст / м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.

$$H_{10-2} = \Delta P_{8-9-10-2} \cdot l_{10-2} = 0,34 \cdot 105 = 35,7 \text{ мм.сув уст / м}$$




ГРП-8-9-3-4.

$$\Delta P_{8-9-3-4} = H - (H_{8-9} + H_{9-3}) / \sum l - (l_{8-9} + l_{9-3}) = 120 - (27,36 + 23,94) / 465 - (120 + 105) = 0,15 \text{ мм.сув уст / м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.

$$H_{3-4} = \Delta P_{8-9-3-4} \cdot l_{3-4} = 0,15 \cdot 240 = 36 \text{ мм.сув уст / м}$$




ГРП-8-5-4.

$$\Delta P_{8-5-4} = H / \sum l = 120 - / 225 = 0,53 \text{ мм.сув уст / м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.

$$H_{8-5} = \Delta P_{8-5-4} \cdot l_{8-5} = 0,53 \cdot 120 = 63,6 \text{ мм.сув уст / м}$$

$$H_{5-4} = \Delta P_{8-5-4} \cdot l_{5-4} = 0,53 \cdot 105 = 55,65 \text{ мм.сув уст / м}$$




ГРП-8-5-6.

$$\Delta P_{8-5-6} = (H - H_{8-5}) / \sum \ell - \ell_{8-5} = 120 - 63,6 / 345 - 120 = 0,25 \text{ мм.сув уст / м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.

$$H_{5-6} = \Delta P_{8-5-6} \cdot \ell_{5-6} = 0,25 \cdot 225 = 56,25 \text{ мм.сув уст / м}$$



ГРП-8-7-6.

$$\Delta P_{8-7-6} = H / \sum \ell = H / (\ell_{8-7} + \ell_{7-6}) = 120 / 285 = 0,42 \text{ мм.сув уст / м}$$

Энди бу йўналишдаги участкалар бўйича йўқолган босимларни аниқлаш.

$$H_{8-7} = \Delta P_{8-7-6} \cdot \ell_{8-7} = 0,42 \cdot 150 = 63 \text{ мм.сув уст / м}$$

$$H_{7-6} = \Delta P_{8-7-6} \cdot \ell_{7-6} = 0,42 \cdot 135 = 56,7 \text{ мм.сув уст / м}$$

Юқоридаги хисоботни жадвал ҳолатга келтирамиз:

16-жадвал.

Т/р	Участкалар	Ҳар бир погонаметрдаги босим йўқолиши ΔP	Участкадаги босим йўқолиши
1	8-9	0,228	27,36
2	9-3	0,228	23,94
3	3-2	0,228	30,78
4	2-1	0,228	23,94
5	1-11	0,228	13,68
6	9-10	0,42	56,7
7	10-11	0,42	50,4
8	10-2	0,34	35,7
9	3-4	0,15	36
10	8-5	0,53	63,6

11	5-4	0,53	55,65
12	5-6	0,25	56,25
13	8-7	0,42	63
14	7-6	0,42	56,7

Энди гидравлик хисобларни тугатиб олиш учун юқорида келтирилган ёки берилган топшириқларни бажаргандан сунг хар бир участкадаги газопровод кувурларнинг диаметрини аниқлаш лозим. Охиридаги натижалар шундан иборат бўлишлари лозимки, умумий участкалардаги босимлар йўқолишларининг кварталдаги бир биридаги фарқлари 10% дан ошмаслиги керак, ошиб кетса уларни тузатувчи жадвалини тўғрилаб тенглаштириш лозим. Келгуси жадвалда гидравлик хисобот кўрсатилади:

□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□.

21-□□□□□□□.

□□□□□□□□□□	□□□□□□□□□□	□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□. □□□□□□□□□□	□□□□□□□□□□ $V_{p.HM}^3 / □$	□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□	□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□	□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□	□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□	□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□	□□□□□□□□□□	□□□□□□□□□□	□□□□□□□□□□
1	2	3	4	5	6	7	8	9			
1	2-1	105	88.87	0.228	95x4.0	0.23	+26.6	29.26			
	1-11	60	23.7	0.228	102x3	0.3	+18	19.8			
	10-2	105	103.95	0.34	180x6	0.45	+35.7	39.27			
	10-11	120	47.4	0.42	140x4.5	0.45	-54	29.4	92.4	4.7%	
2	9-10	135	383.05	0.42	133x4	0.42	56.7	-62.37			
	10-2	105	103.95	0.34	140x4.5	0.4	21	-23.2			
								85.57			
	9-3	105	762.65	0.228	194.6x3	0.25	26.65	+46.2			
	3-2	135	210.35	0.228	127x3	0.228	30.78	+33.86	5.51	6.5 %	

								80.06		
3	8-9	120	1445.7	0.228	245x7	0.26	31.2	-34.32		
	9-3	105	762.65	0.228	194x6	0.25	26.65	-46.2		
	3-4	240	168.0	0.15	133x4	0.22	52.8	-58.08		
								-138.6		
	8-5	120	534.775	0.53	152x34.5	0.55	66.0	+72.6		
	5-4	105	73.5	0.53	45x3	0.53	55.65	+61.21	4.79	4%
								+133.81		
4	8-7	150	2330.72	0.42	245x7.0	0.53	79.5	+87.45		
	7-6	135	91.125	0.42	83x3.0	0.42	56.7	+62.37		
								149.82		
	8-5	120	534.77	0.53	146x4.5	0.6	72	-79.2		
	5-6	225	151.875	0.25	180x6.0	0.27	60.75	-66.825	3.79	2.5%
								146.025		

	<i>бем</i>
	65

ГАЗ ТАРМОҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

Газ қувурларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ва газ қурилмаларининг ўрнатилиши каби барча ишларга хавфли газ ишлари киради. Шунинг учун ҳам бундай ишларни амалга оширишда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Хавфли газ ишларига шахар газ тармоқларидан фойдаланишда бажариладиган ишларнинг барчаси киради. Бундан ташқари, газ қувурларини амалдаги газ тармоқларга уланиши, газнинг чиқишини бартараф этиш, амалда фойдаланиб келинаётган газ қувурларини, (продувка) ҳаво ёрдамида тозалаш, арматуралар ва усқуналар билан жиҳозлаш, газ қудуқларида бажариладиган ишлар, ГБШ лари жойлашган бинолардаги барча ишлар хавфли газ ишларига киради.

Хавфли газ ишлари энг камида икки киши томонидан бажарилади. Жавобгарлиги юқори бўлган хавфли газ ишларини бажаришда раҳбарликни олиб бориш муҳандис-техник ходимларга юклатилади. Ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар алоҳида тартибда махсус тайёргарлик ва машқлардан ўтиши керак. Хавфли газ ишлари бажарилаётган жойлар тўсиқбилан ўралиб қўрикланади.

Бундай жойларда чекиш ва олов ёндиришлар қатъиян ман этилади. Газ чиқиши пайдо бўлган жойларда противогаз кийиш керак. Фойдаланаётган противогазнинг кўриниши бажарилаётган ишнинг турига боғлиқ. Бажарилаётган иш котлованлар ва газ қудуқларида бўлганда, шлангли противогаз, бино ичида бажараётган ҳолатда ҳимояланган противогазлардан фойдаланиш керак. Газ қудуқушри ва котлованларда хавфли газ ишларини бажарилаётган ишчилар ипга боғланган белбоғ кийиши, ип учи эса ташқарига чиқарилган бажарилаётган ишни кузатувчининг қўлида бўлиши керак. Газ қувурларини пайвандлаш ишларини тармоқдаги газни ўчирмасдан ҳам амалга

ошириш мумкин, қачонки газнинг босими 1200 Па дан юқори бўлмаганда, ҳаво оқими билан газни қайтариб турувчи, ускуналар билан жиҳозланган махсус бригада томонидан амалга оширилади. Газ қувурларида газ оқими беркитилган, лекин қувурнинг ичида газ бўлган ораликларида газни қувурдан тўлиқ сиқиб чиқармасдан туриб, пайвандлаш ишларини бажариш қатиян ман этилади.

Газ арматураларининг зич боғланганлигини фақат совун эритмаси суртиб текшириш мумкин, бундай ҳолатларда олов ёқиб текширувдан ўтказиш қатиян ман этилади. Ўта қийин ҳавфли газ ишларини бажариш, ишлаб чиқилган махсус режа асосида бажарилади.

Газ қудуқларида ва котлованлардаги (пайвандлаш, кесиш) оловли ишлар, алоҳида кўрсатма бўйича, қўшимча ҳавфсизлик таъминланиши эътиборга олган ҳолда бажарилади. Газ қувурларида таъмирлаш ишларини бажаришда газнинг ёпилиши ва қайта счилиши ишларида, газ истеъмолчилари ўз вақтида огоҳлантирилган бўлиши, эҳтиёткорлик ҳавфсизлиги бўш таъминланган бўлиши керак. Газ билан ишловчи ҳар бир ходим газдан зарар кўргаша, захарланганга биринчи ёрдам кўрсатишни билиши керак.

Техника ҳавфсизлиги ишларини ташкил этиш. Аҳоли турар жой бинолари ва умумжамоа биноларида газдан фойдаланишда ҳавфсизликни таъминлаш учун «Газдан ҳавфсиз фойдаланиш қоидалари»га қаттиқ риоя қилиниши керак. қоидага зид бўлган ҳар қандай ҳолатда ва махсус кўрсатма бўйича, газ хшматини олиб борувчи раҳбар жавобгар ҳисобланади, чилангар — газчи бригада хизматининг мажбуриятига қуйидагилар киради:

Газ чиққан жойни аниқлаш ва уни созлаш.

Газлаштирилган ва газ ҳавфли биноларда иш бажариш.

Ускуналар ва қурилмаларга сақлагичлар ва ҳимояланувчини қўллаш.

Зарарланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш.

Газ ёқилғисига боғлиқ ҳолатда бўлган бахтсизлик ва носозлик ишларини текширувда қатнашиши.

Хавфли газ ишларини бажаришда ва газ чиқаётган жойни аниклашда бахтсиз ҳолатнинг олдини олиш учун техника хавфсизлиги ишларини ташкил этувчи ташкилот бўлиши керак. Газ чиқаётган жойни аниқлашдан олдин, газнинг ҳиди бўйича биноларнинг газланганлиги даражаси ҳолатини газ анализатори ёрдамида аниқлаш, бекитиш ва газнинг чиқиш жойини сошлаш керак. Газ қувурларидан газ оқимининг чиқиши миқдори кўп бўлганда ёки газ ускуналари, жиҳозларидан ҳам газнинг чиқиши кўп миқдорда бўлганда «носозликни тузатиш хизмати»га (авария хизмати) хабар бериш керак. Шаҳар газ хизматида сутканинг исталган вақтида носозликни тузатиш ишларини бартараф этиш керак.

Чилангар газчи — қуйидаги техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Противогаз, қутқарувчи сақлагич белбоғ, ипи билан биргаликда, синов учун ускуналар, химоя кўз ойнаси, ёнғин хавфсизлиги таъминланган ёриткич, техника хавфсизлиги билан таништириш ва зарарланган ҳолда биринчи ёрдам кўрсатиш.

Газнинг чиқиши салникли ёки чўзилган кранларнинг ички носозлигидан ички газ чиқиши, яъни кран ёпиқҳрлатда газчиқиши бўлади. Кранларнинг тўлиқ герметик ёпилишда носозлик бўлган ҳолатларда кранларни алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Бахтсизлик ва носозлик ҳолатлари бўлишнинг олдини олиш учун газ хизмати томонидан профилактик қурув ва газ жиҳозларини таъмирлаш хизмати ташкил этилиши керак.

Носозлик ва бахтсизлик ҳолатлари исталган газ ишларида қувурларни пайвандлашда, газ ускуналари ва жиҳозларидан фойдаланишда содир бўлиши мумкин.

Газ қувурларининг носозлигига сабаб қувурлар тайёрланишда технологик қоидаларига риоя қилинмаслик.

Газ қувурларини қурилишидаги ишларида қоидага риоя қилинмасликдан (сифатсиз пайвандлаш, химояланишдаги шикастланишлар) ва ҳ.к.

Газ қувурларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаслик (газ босимининг рухсат этилганидан ортиқча бўлиши, дайди тоқлар таъсирида газ қузури деворининг заифлашиб бориши, газ қувурларининг занглашдан яхши ҳимояланмаганлиги ва ҳ.к. лар киради.

Бундан ташқари носозлик ҳолатларига, турли хил коммунал иншоотларида таъмирлаш, ер қовлаш ва қозиш ишларининг бажарилишидаги шикастланишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Қувурларнинг ажралишидан атроф муҳитга газнинг қис-ман ёки тўлиқ чиқиши содир бўлганда, газ қувурлари носоз ҳисобланади. Газ қувурлари ва ускуналарида фойдаланишда турли хил ишларни бажаришдаги носозликни олдиндан айтиш чилангар-газчи томонидан амалга оширилиши керак. Газ жиҳозларининг ишончли ва хавфсиз ишлаш кўп жиҳатдан чилангар-газчилар томонидан режа асосида профилактик кўриклардан ўтиши ва газ жиҳозларининг таъмирланганлигига боғлиқ. Кўриклар оралиғидаги газ жиҳозлар таъмирлаш ишлари хизмат кўрсатувчи чилангар томонидан амалга оширилади.

Фавкулотда ҳолатларда шикастланган учокларда кутқариш ва бошқа шошилиш ишларни шакил қилиш ва олиб бориш.

1. Ҳозирги замонда фавкулотда ҳолатлар таъсиридан шикастланган учокларда кутқариш ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш фуқаро муҳофазасининг асосий вазифасидир.

Кутқариш ишларини бажаришнинг вазифаси, бошқарув органлари ва фуқаро муҳофазаси кучлари уртасида юқори сиёсий-маънавий ҳолатини ҳосил қилиш, ишчи, хизматчи ва кучлар командирларига етказиш, узаро ҳамкорликда бажариладиган ишларни ҳар томонлама таъминлаш, кучларини бўлажак ҳаракатга тайёрлаш, қуйилган вазифани қуйидаги органлар ва кучлар томонидан бажарилишини назорат қилиш, доимий алоқани таъминлашдан иборат.

Халқ хужалиги объекти фуқаро муҳофазаси бўйича бошқарув система тузумига, бошлиги ва унинг қароргоҳи хизмат бошликлари бўлинма командирларига бошқарув пунктлари ва бошқариш фаолиятини алоқа ҳамда техник тизимларига эга.

Бошқаришни асоси бўлиб, тегишли бошлик ва командирларининг қарори ҳисобланади.

Фуқаро муҳофазасининг объектдаги бошлиги фавкулотда ҳолатда ҳимоя қилиш, қорхонани барқарор ишлашини таъминлаш, шикастланган учокларда кутқарув ишларини бажаришга жавобгардир. Уни тадбирларини бажаришга тугри қарор қабул қилиб, аниқ топширик бериш ва бажариши таъминланиши керак. Фавкулотда ҳолатни хизмат бошликлари ҳам уз вазифасини яхши билиши керак.

Ҳар бир хизмат узининг махсус вазифасини бажаради. Бўлинма командири аъзоларини интизоми, сиёсий-маънавий тайёргарлиги, уз вазифасини бажаришга техника асбобларини сақланишга жавоб беради.

Фукаро мухофазаси бошлиги иш бажаришда кароргохи, хизматчилар ва булинма командирларига таянади.

Фукаро мухофазаси кароргохига хизмат ва булинмалар уз вазифасини бажаришдаги доимий тайёрлигини таъминлайди. Бошқаришни ташкил қилишда: кароргох ва хизматлари томонидан маълумотларни туплаш, анализ қилиш, бошлигига ахборот қачон, қай тарзда, қандай маълумотлар, қайси муддатларда берилиши белгилаб қуйилади.

Бошқарув пунктида навбатчилик тартиби, ҳисоблаш тартиби, унинг маълумотларини мутасадди кишилар олиб ишлатиши, қуйи орган ишини назорат қилиш ва ёрдам бериш, бошқарув пунктининг иш тартиби, бошқаришда махфийликни таъминлашдан иборат.

Бошқаришни ишончли ҳолда булишини бошқарув пунктида олиб борилади.

Бошқарув пункти ҳимоя иншоотида ташкил қилиниб, нормал ишлаш учун шароит ва замонавий техник воситалар билан таъминланади, Унда дам олиш, овқатланиш, тиббий ёрдам ва бошқалар булиши керак.

Бошқарув пунктида бошлик, уни уринбосари, штаб бошлиги аъзолари билан хизмат бошликлари, алоқачилар ва хизматчилар жойлашади.

Фукаро мухофазаси системасида яхши бошқариш учун алоқа хизмати тузилади. Бунга радио сими, алоқа ҳаракатдаги алоқалар билан таъминланади.

Радио алоқаси энг ишончлиси булиб, ультро қиска тулкинда ва баъзан қиска тулкинда ишлатилади.

Ёнгин - портлаш хавфли объектлардаги авариялар

Портлаш , портлаш-ёнгин ва ёнгин хавфлари булган объектлар А,Б,В,Г,Д,Е тоифаларга булинадилар:

А – нефтни қайта ишлаш, қимевий қорхоналар, қувир утқазгичлар, нефт маҳсулотлари омборлари.

Б - қумир қуқуни, ёғоч уни, шақар ипоси тайерлайдиган ва транспортировка қиладиган цехлар ва ун тегирмонлари.

В - ёғоч араловчи , ёғочни кайта ишловчи, дурадгорлик, модель, ёғоч идишлари корхоналари, колган тоифадагилар унча хавфли эмас.

Утга чидамлилиги буйича бино ва иншоотлар бешта асосий гуруҳларга булинадилар. Биринчи учтаси енамайдиганлар, туртинчиси – кийин енадиганлар, бешинчиси – енадиганлар.

Йирик корхоналар ва ахоли пунктларида буладиган енгинлар: алохида (бинода еки иншоатда) оммавий (25% дан ортик биноларни коплаган алохида енгинлар йигиндиси), ут шторми (шахарнинг 90%дан ортик биноларини уз домига олган баркарор енгиннинг махсус тури) га булинади.

Хизмат ва булинмаларга вазифа куйишда куйидагилар курсатилади:

Куткариш булинмаларига, тизилмаларига ярадорларни кидириш жойи, 1-тиббий ёрдам, ёрдам курсатиш жойи, тартиби, босилиб колган пана жойларни очиш жойлари, коммунал-энергетика тармоқларидаги емирилишларни тиклаш курсатилади.

Механизмли булинмаларга каерда, кайси вақтга утиш йулларини очиш, емирилиш хавфи булган деворларни мустахамлаш еки босилиб колган химоя иншоатларни ковлаб очиш.ва техника билан каерга ёрдам бериш курсатилади.

Ёнгинга карши булинмаларга кайси ёнгинларни учирш, кайсиларини ажратиб куйиш, техникаларни таркатиш ва сув олиш жойлари тайинланади. Зарарсизлантириш булинмаларига кайси жойлар, йулар зарарсизлантирилади, кенглиги, уларни белгилаш, дезинфекцияловчи эритма билан каерда тулдирилиши айтилади.

Тиббий булинмаларга шикастланганларга тиббий ёрдам курсатиш жойи, асосий йуналишини каерда тупланиши, юролмайдиган огир касалларни жойлаштириш урни курсатилади ва ташиш усули айтилади.

Емирилишларни тиклаш булинмаларига сув, газ, иссиклик ва электр тармоқларидаги фожеаларни баргараф килиш иши юкланади.Фукаро мухофазасининг бошкарув органларидаги бошликлар, сардорлар, кароргох

бошликларининг асосий вазифаси булинма аъзоларига уз вазифаларини бажаришни яхши тушунтириш хисобланади.

Бошлик Фукаро мухофазаси кучларини шикастланиш учогига харакатини йуналтиришда захарланиш зонасидан утишни, ёнгинлар ва бошка тусиклардан утишда хавфсизликни таъминлайди.

Шикастланган учокда кидирув ишини аниклайди, емирилган жойларда пиёда ва машиналар утиш жойларини очиш, ёнгинларни учириш ёки тусиб куйиш, химоя иншоатларини очиш, , емирилган, босилиб колган уйлардаги шикастланганларни чикариб олиш, биринчи тиббий ёрдам курсатиш ва бошка ишларни бажаришни тушунтиради. Асосий этиборни хизматлар , булинмаларни ва бошкарув пунктини жойлашуви, бошкарув хабарлари, алока хамда огохлантиришни ташкил килишга каратилади. Куткариш ишларни бажариш уша атрофда ташкил килинган бошкарув пунктидан олиб борилиб, тартиб булиши учун комендантлик хизмати ташкил килинади.

ЭКОЛОГИЯ БЎЛИМИ

Бирор янги объектни лойиҳалашда ёки эски объектни қайта таклашда табиатни муҳофаза қилиш масаласи, уни ўраб турган муҳитга саноат корхоналарининг қишлоқ хўжаликнинг, транспорт ва камунал хўжаликлари, қишлоқ ва шаҳарларга кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш ва иложи борича йўқотиш кўзда тутилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади, табиий бойликлардан тежаб тергаб фойдаланишда, уларни асрашдан иборатдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳалқ хўжалиги режаларига қуйдаги табиатни муҳофаза қилиш вазифалари киритилади.

а) Атмосферани муҳофаза қилиш.

б) Ер ости ва ер усти сувларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

в) Ўсимлик ва ҳайвонат дунёсидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

г) Ўрмон хўжалигидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

е) Минерал, ер ости ва фойдали қазилмалардан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

Барча лойиҳалаштирилаётган объектлар қуйидагилар билан келишилган бўлиши керак.

1. Вилоят ёки жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлиги билан.

2. Балиқ-хўжалиги захираларини ҳимоя қилиш бошқармаси билан.

3. Ҳайвонат дунёси бошқармаси билан.

4. Геологик бошқармаси билан.

5. Вилоят ёки жумҳурият сув ресурсларини муҳофаза қилиш бошқармаси билан.

6. Жумҳурият гидрометеорология бошқармаси билан.

Сув ресурсларининг ифлосланишини олдини олишга қаратилган бир неча чора-тадбирлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир.

1. Сув ресурсларини сифатини пасайиб кетишдан сақлаш учун саноат корхоналарида илғор технологияни қўллаб, ифлос оқова сувлар

миқдорини камайтиришга эришиш керак. Бунинг учун эса саноат корхоналарида сувдан фойдаланишнинг берк (айланма) системасига ўтиш зарур.

2. Сув ресурсларини тоза сақлашда саноат корхоналарида. Совутиш ишларини сув ёрдамида эмас, балки ҳаво ёрдамида сув амалга ошириш усулларини қўллаш зарур.

Ҳаво ёрдамида совутиш ва 60-70 % гача чучук сувни тежайди, ташландиқ оқова сув миқдорини кескин камайтирида.

3. Сув ресурсларини тоза сақлаб сифатини ва иқтисод қилиш мақсадида келажакда ҳар бир корхона ихтиёжи учун олинаётган чучук суви учун эмас, балки, дарё, канал сув омборларига чиқариб ташланаётган ифлос оқова сувларнинг миқдорига қараб ҳақ тўлашини жорий этиш мақсадга мофиқ бўлур эди.

4. Сув ресурсларини тоза сақлаб уларни суғоришда фойдаланишга ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашнинг яна бир йўли бу саноат корхоналарида комунал хўжалигида ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш яъни чиқиндисиз технологиясини ўзгартириш яъни чиқиндисиз технология жорий этишдир. Бундай технологик жараённи ўзгартириш чанг ва захарли газларни атмосферага чиқармасликка эришиш керак.

6. Атмосферани-ифлосланишидан сақлашда шаҳар ва қишлоқлар ишончли усул яшил ўсимликлар майдонини кенгайтиришдир. Чунки енгил ўсимликлар ифлос ҳавони филтирлайди, баргларида чангни ушлаб қолади, ҳароратни пасайтиради карбонат ангдритни ютиб биз учун зарур бўлган кислородни ишлаб беради.

7. Сув ресурсларини тоза сақлашда саноат корхоналарида, комунал хўжаликларидан чиққан ўта ифлос сувларни ер остида сақлаш усули катта аҳамиятга эга. Бунда ифлос оқова сувлар ер остида сақлаш усули сув қатламига алоқаси бўлмаган жинслар орасига юборилади. Вақт ўтиши билан улар табиий ҳолда тозаланиб, сўнгра сувга қатламига ўтиши мумкин.

Хулоса

Битирув ишини бажаришдан асосий мақсад битирувчи талаба келажакда ўз соҳаси бўйича ҳеч қанда қийинчиликсиз проектлардан фойдалана олиш ишлаб чиқаришда ўз ўрнига қўллай билишдир. Газ таъминоти деганда шаҳар туман ва аҳоли яшаш пунктларини ёнилги газ билан таъминлашни лойиҳалаш, маҳалла ва аҳоли турар жой марказларида, биноларда шарт-шароит яратиш учун кўп қаватли биноларда яшаётган аҳолига нормал ва қулай ҳолатларни яратиш мақсадида халқ хўжалиги ишларини ривожлантириш учун катта хизмат қилади деб ўйлайман.

Шунинг учун талаба битирув малакавий ишини бажаришда аҳоли яшаш пунктларини, завод фабрикаларини ва ишлаб чиқариш биноларини газ билан таъминлаш лойиҳаларида қувурларни жойлаштиришни ўрганади. Аҳоли газ таъминотида суткалик нотекис истеъмолини мавжуд эканлигини тушуниб етади.

Газ қувурлари ва жихозларининг жойланиши биноларга қувурларнинг киритилиши, монтаж қилиш усуллари қувурлар ёпқичлар ва хавфсизлик техникаларини ҳисоблаб лойиҳадан фойдаланишни ўрганади. Бундан ташқари уларни қаерларга жойлаштиришни қандай ўрнатиш кераклигини ўрганади.

Тинчлик ва Хайрабод маҳаллаларинини ўрта ва паст босимли газ қувурлари тармоғини жойлаштириш ва у ердаги газ миқдори ва босимни назорат қилган ҳолда гидравлик ечимларини топган. Бу схема ҚМҚ талабларига тўла мос келиб бино ичидаги хароратни санитар гигиеник талабларга мос шароитни ҳосил қила олади. Хар бир бажарилаётган ишнинг моҳиятини мазмунан тушуниб етади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ
ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорини бажариш ва газ етказиб беришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари В.Й. Отаев ва Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2000 йил 10 январь,

8-сон

Вазирлар Маҳкамасининг

2000 йил 10 январдаги 8-сон қарорига

ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш

ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

(1.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 февралдаги 33-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 6-сон, 53-модда)

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2.1. Мазкур қоидаларда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

«газ» — конлардан қазиб олинадиган, табиий, нефть газы (қўшимча), газ ва нефтни қайта ишловчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тўпланадиган, шунингдек, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси томонидан ишлаб чиқариладиган газ;

«газ етказиб берувчи» — газ таъминоти ташкилотларига ёки истеъмолчиларга газ етказиб берилишини таъминловчи газ ва нефть қазиб олувчи ҳамда газ ва нефтни қайта ишловчи корхоналар;

«газ узатувчи ташкилот» — газ етказиб берувчидан газ харид қилувчи ва уни қазиб олиш жойидан ва/ёки қайта ишлаш жойидан тақсимлаш ва истеъмол пунктларига узатувчи ташкилот;

(2.1-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

(2.1-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

«худудий газ таъминоти корхонаси» — газнинг истеъмолчиларга тақсимланишини, узатилишини ва истеъмолчиларга газ етказиб берилишини таъминловчи ташкилот;

(2.1-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

«истеъмолчи» — корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, табиий газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланувчи жисмоний шахслар ҳамда аҳоли;

(2.1-банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

«ҳисоб-китоб даври» — газ сарфи аниқланиши, етказиб берилган газ учун етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилиши керак бўлган давр. Томонлар келишиб олган ҳисоб-китоб даври шартномада кўрсатилади;

«газ истеъмоли брони» — захира ёқилғи турларидан энг кўп даражада фойдаланиш шартлари билан технология асбоб-ускуналарининг ҳалокатсиз ишлаши учун зарур бўлган газ истеъмол қилишнинг бир кеча-кундузлик энг кам ҳажми, у ҳар бир аниқ ҳолатда истеъмолчи томонидан «Ўзбекнефтгаз» компанияси билан келишган ҳолда аниқланади;

«газ етказиб беришнинг бир кеча-кундузлик ўртача нормаси» — газ етказиб беришнинг бир ойлик ҳажмини тегишли ой кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланадиган газ етказиб бериш ҳажми.

3. ГАЗ СОТИШ ТАРТИБИ

3.1. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси истеъмолчиларнинг буюртманомаларини ҳисобга олган ҳолда келгуси йилга республика бўйича газ балансини тузади ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади.

(3.1-банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 112-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 4-сон, 42-модда)

Келгуси йилга республика бўйича газ баланси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

(3.1-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

3.2. Келгуси йилга республика бўйича тасдиқланган газ балансига мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси минтақалар бўйича истеъмолчиларга газ етказиб беришнинг йиллик ва чораклик ҳажмларини тақсимлайди ҳамда газ етказиб беришнинг белгиланган ҳажмларини газ етказиб берувчилар, худудий газ таъминоти корхоналарига етказди.

(3.2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

(3.3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

3.4. Қуйидагилар газ етказиб беришда устунликка эга бўладилар:

— аҳоли;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар;

— газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарзи бўлмаган ҳамда жорий (шартномавий) тўловлар бўйича олдиндан ҳақ тўлаш шартлари билан шартнома тузган истеъмолчилар.

(3.4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 февралдаги 33-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 6-сон, 53-модда)

4. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

(4.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

(4.2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

4.3. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан истеъмолчиларга газ:

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланган истеъмолчиларга — тўғридан-тўғри шартномалар бўйича газ қувурларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган газ ҳисоблаш приборлари бўйича;

(4.3-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 мартдаги 90-сон қарори таҳририда — ЎзР ҚХТ, 2002 й., 5-6-сон, 42-модда)

(4.3-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 мартдаги 90-сон қарорига мувофиқ чиқарилган — ЎзР ҚХТ, 2002 й., 5-6-сон, 42-модда)

газ таъминоти корхоналарига магистрал газ қувурлари ва тармоқларининг бўлиниш чегарасида хўжалик ҳисобидаги газ сарфини ҳисоблаш приборлари бўйича уни кейинчалик «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ тармоқларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган истеъмолчиларга ҳамда чакана истеъмолчиларга (аҳолига) сотиш учун етказиб берилади».

(4.3-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

4.4. Газ етказиб беришнинг барча шартлари шартномаларда назарда тутилади.

4.5. Республика минтақалари бўйича газ етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари истеъмолчиларнинг буюртманомалари ҳисобга олинган ҳолда газ-транспорт тизимининг ресурс ва техник имкониятларидан келиб чиқиб газ-транспорт ташкилоти томонидан белгиланади.

(4.5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

(4.6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

4.7. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари газ етказиб беришга, истеъмолчи эса ўртача суткалик меъёрлар доирасида ой давомида бир маромда, истеъмолчининг суткалик меъёридан воз кечиш зарурати бўлган ҳолларда — томонлар ўртасидаги диспетчерлик жадваллари бўйича газ олишга мажбурдир.

(4.7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

(4.8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 132-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2005 й., 21-сон, 151-модда)

(4.9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

4.10. Ҳудудий газ таъминоти корхоналари газ тақсимлаш станциясидан чиқиш жойида газ босимини шартномада назарда тутилган миқдорда сақлаб туради.

(4.10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

4.11. Совуқ тушган даврда аҳолини ва коммунал-маиший истеъмолчиларни газ билан узлуксиз таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан «Ўзнефтьгазгазорат» инспекцияси, газ етказиб берувчилар, газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхонаси ҳамда истеъмолчилар иштирокида корхоналарни ёқилғининг захира турларига ўтказиш жадваллари тузилади, жадваллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган жадваллар барча манфаатдор ташкилотларга жўнатилади. Жадваллар газ етказиб беришнинг режалаштирилган ҳажмлари аҳоли ва коммунал-маиший истеъмолчиларнинг меъёрдаги газ истеъмолини таъминламаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан амалга киритилади.

Жадвалга киритилган корхоналар ва ташкилотлар ёқилғининг камаймайдиган захирасига эга бўлиши ва совуқ тушган даврда ундан фойдаланишга ўтиши керак.

(4.11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

(4.12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

4.13. Ҳудудий газ таъминоти корхонаси тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчиларни газ билан таъминлаш жадвалини ва авария пайтида магистрал газ

кувурларининг технологик иш тартиби бузилган тақдирда уларни газ тармоқларидан қисман ёки тўлиқ узиш навбатини тасдиқлайдилар.

Тасдиқланган жадваллар барча манфаатдор ташкилотларга жўнатилади ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан амалга киритилади.

(4.13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

4.14. Газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш, узатиш ва истеъмол қилишнинг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг газ қазиб олиш, узатиш, газ етказиб бериш ва истеъмол қилиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалари газ етказиб берувчилар, газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

(4.14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

4.15. Газ етказиб берувчилар, газ таъминоти ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчилар газ берилганда газ конлари, газни қайта ишловчи заводлар, магистрал газ қувурлари, шунингдек, турар жойларда, аҳоли яшаш пунктларида ва корхоналарда асбоб-ускуналар ва газ тармоқларининг техник хавфсизлиги ва техник фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт.

(4.15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

5. ГАЗ САРФИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Газнинг ҳисобга олмасдан етказиб берилишига йўл қўйилмайди.

5.2. Газ етказиб берувчи (газ узатиш ташкилоти) томонидан ҳудудий газ таъминоти корхонасига ва истеъмолчига бериладиган газ миқдори истеъмолчининг ҳисобга олиш приборлари бўйича аниқланади, уларда ҳисобга олиш приборлари бўлмаган тақдирда эса, қоидага кўра газ тармоқларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган газ етказиб берувчи (газ узатиш ташкилоти)нинг назорат-ўлчов приборлари бўйича аниқланади ва икки томонлама имзоланган ҳужжат билан расмийлаштирилади.

(5.2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

5.3. Истеъмолчидаги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори пломбаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари носоз бўлган вақтда корхона ишлаган соатлар бўйича ёки шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади.

(5.3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

5.4. Аҳоли фойдаланадиган газ ҳажми аҳоли хонадонларида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари бўйича, улар бўлмаганда — тасдиқланган нормалар бўйича аниқланади.

5.5. Газ сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, ишлатиш ва текшириш амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

5.6. Газ сарфини ҳисобга олиш приборларининг техник ҳолати ва уларнинг текширилиши учун балансида ушбу приборлар бўлган ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари жавоб берадилар.

5.7. Шартнома томонларидан ҳар бири иккинчи томон вакилига истеъмолчилар томонидан газдан фойдаланишни ҳисобга олиш приборларини ва ҳужжатларини текшириш имкониятини яратишга мажбурдир.

5.8. Газнинг улгуржи нархларини давлат томонидан тартибга солиш ва уларни қўллаш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5.9. Томонлар берилган — қабул қилинган газ тўғрисида ҳар ойда, ойнинг 3-кунидан кечикмай далолатнома тузадилар.

Берилган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон бу ҳақда ўзининг алоҳида фикрини далолатномада акс эттириш йўли билан иккинчи томонга маълум қилади. Келишувга эришилмаган тақдирда келишмовчилик Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида кўриб чиқилади.

5.10. Истеъмолчи фойдаланган газ учун ҳисоб-китоблар тартиби, тўлов муддати ва шакллари газ етказиб бериш шартномасида белгиланади.

6. ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ, ГАЗ УЗАТИШ ВА ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ (6-бўлимнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

6.1. Истеъмолчиларнинг газ қурилмалари қониқарсиз, авария вазиятини келтириб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ходим ҳамда аҳоли ҳаёти учун хавfli ҳолатда бўлган тақдирда газ етказиб берувчи, газдан фойдаланиш хавфсизлигини назорат қилиш органлари тақдимномасига кўра, истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, газ етказиб беришни зудлик билан тўхтатиб қўйишга мажбурдир.

6.2. Газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари:

(6.2.-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда) газ етказиб берувчи томонидан кўрсатилган вақт мобайнида форс-мажор ҳолатлари бўлганда;

етказиб берилган газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарз мавжуд бўлганда;

газдан фойдаланишдаги камчиликлар ваколатли назорат органлари белгилаган муддатларда баргараф этилмаганда газ етказиб беришни қисман камайтириш ёки батамом тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6.3. Газ етказиб берувчи газнинг сифати меъёрий талабларга мувофиқ бўлишини таъминлашга мажбурдир.

6.4. Газга ҳид қўшиш газ узатувчи ташкилотлар томонидан, газ ҳиди интенсивлигини назорат қилиш эса газ тармоқлари эгалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

(6.4.-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

6.5. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчи газ билан таъминлаш объектларини ишлатишнинг техник ҳолати ҳамда тезкор-диспетчерлик интизомига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

(6.5.-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

6.6. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчи объектларда газ етказиб беришни ёки қабул қилиб олишни камайтирувчи авариялар ва носозликлар тўғрисида газ етказиб бериш шартномаларида белгиланган тартибда бир-бирларини хабардор қилишга мажбурдирлар.

(6.6.-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

6.7. Ҳудудий газ таъминоти корхонаси, газ узатиш ташкилоти талабига биноан, газдан фойдаланиш тартиби ҳамда истеъмолчиларга етказиб берилган газ учун тўловлар ҳолати тўғрисида тезкор ахборот тақдим этадилар.

(6.7.-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

6.8. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти ёки ҳудудий газ таъминоти корхонаси газ етказиб бериш шартномасига кўра, ушбу Қоидаларда назарда тутилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчига газ етказиб берилмаслиги ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги

оқибатида етказилган реал зарарни ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

(6.8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 декабрдаги 337-сонли қарорига асосан киритилган — ЎР ҚХТ, 2011 й., 51-сон, 544-модда)

7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

7.1. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчи ушбу қоидаларни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

(7.1.-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

Газ таъминоти яхшиланмоқда

“Жиззахгазтаъминот” унитар корхонаси газ узатиш, тақсимлаш тармоқларини ва бошқа муҳандислик иншоотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ниҳоясига етказмоқда. Корхона томонидан 15 километр узунликдаги газ қувурларини янгилаш, 10 километрлик узатиш тармоқларини реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлиб, айти кунга қадар белгиланган тадбирларнинг қарийб саксон фоизи бажарилди. Хусусан, 3 минг 375 газ тақсимлаш пункти техник кўриқдан ўтказилди. Улардан 12 таси тўлиқ янгиланди.

– Қиш кунлари айрим жойларда газ босимининг пасайишига узатиш қувурларининг носозлиги ҳам сабаб бўлар эди, – дейди “Жиззахгазтаъминот” унитар корхонаси бош муҳандиси Эркин Имомов. – Шунинг учун газ хўжалигини куз-қиш мавсумига тайёрлашда барча ҳудудлардаги узатиш тармоқлари синчиклаб текширилди. Деярли 112,5 километр газ узатиш тармоқлари тўлиқ кўриқдан ўтказилди. Аниқланган носозликлар бартараф этилди, қувурлардаги ёриқлар тузатилди.

Қиш кунлари газ таъминотида узилишлар бўлишининг олдини олиш мақсадида Ғаллаорол туманининг Янгиобуз қишлоғига газ етказиб берадиган 3,5 километр масофадаги газ узатиш қувури янгидан ўрнатилди. Тумандаги ўтган йили қишда газ босими ниҳоятда паст бўлган Чўянли қишлоғида эса тақсимлаш аппарати таъмирдан чиқарилди.

Аммо айрим жойларда техник носозлик туфайли эмас, газдан нотўғри фойдаланиш, белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик натижасида ҳам турли муаммолар келиб чиқмоқда. Масалан, ўтган қиш мавсумида Зарбдор туманидаги Янги Бўстон қишлоғида ўндан зиёд газдан нотўғри фойдаланиш ҳолати аниқланди. Бу каби қонунбузилишлар газ тарқатиш идораси назоратчилари етарли ҳушёрлик кўрсатмагани, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг эътиборсизлиги туфайли юз берганини таъкидлаш жоиз.

Шунга кўра “Жиззахгазтаъминот” мутахассислари куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш давомида газдан нотўғри фойдаланиш, газ узатиш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишларга қатъий чек қўйиш масалаларига эътиборни кучайтирмоқда.

ЎзА uza.uz

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 78 б.
2. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тарққиёти тўқин хаёт манбаи. Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон овози, 1997.
4. Айматов Р. Ионин.А.А.и др. «Способ и устройство для термо-обработки-керамических изделий» Авторских свидетельство №12668922. Оpub. Б.Н.№ 41, 1986 г.
5. Айматов Р. Разработка газооборудования и режимов газовой подушки для обжига дренажных труб. Афтореферат диссертации на соискание ученое степени канд. техл. паук. М.1986 г.
6. Ахмедов. Р.Б. Мироненкова. Л.Н. Сети и установки для газоснабжение промышленных предприятий. М 1980 г.
7. Бобоев С. М. Применение малоэнергоемких методов испарительного охлаждения воздуха в системах кондиционирования (в животноводческих помещениях). Издательство «Фан» Академия наук Республики Узбекистан, 1988 г, - 115 стр.
8. Бобоев С. М. Шукуров Г. Ш. «Архитектура физикаси» Самарқанд, 2001 йил.
9. Баясанов.Д.Б. Ионин А.А, Распределительные системы газоснабжения, М.Стройиздат. 1977 - 406с
8. Кязимов.К.Г. Основы газового хозяйства. Учебник М.Высшая школа, 1981 - 320с.с.илл
10. Ионин.АА. Айматов.Р. и др. Обжиг дренажных труб в одно-рядной печи с газовой подушкой, ВНИИЭСМ, М.1985г. вьт.8.
11. Огаскевич.НЛ. Северинец Г.Н. Вигдорчик Д.Я. Справочник по газоснабжению и использованию газа - Л. Недра, 1990г.-762.с.с.илл.

12. ҚМҚ 2.04.08-96 Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва Қурилиш Қўмитаси Тошкент 1996 й.
13. ҚМҚ 2.01.01-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва Қурилиш Қўмитаси. Тошкент 1996 й. 60 с.
14. Шукуров Г. Ш, Бобоев С. М. «Қурилиш иссиқлик физикаси» Самарқанд 2000 йил, - 194 бет.
15. Интернет ЎЗА uza.uz